БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 6 апрель Жума
№ 66 (13. 502)
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон комсомоли 65 ёшга тўлди. Бундан 65 йил муқаддам — 1925 йилнинг 5 апрелида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон комсомолининг биринчи қурултойи бўлиб ўтганди. Ўшанда жумҳурият комсомол ташкилотига жипслашган йигит-қизларнинг сони 30 минг нафардан зиёдроқ эди. Ҳозир эса улар 2 миллион 700 минг нафарни ташкил этишади.

Фарқ катта. Масъулиятлар юки ҳам. Аммо, нима қилганда ҳам ота-боболаримиз, яъни ўша пайт комсомоллари бизга нисбатан ўз ишлари ва ўз ташкилотларига содиқ ва масъулиятлироқ бўлишган.

Кеча Ўзбекистон комсомолининг 65 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон комсомоли тарихи музейида комсомол ветеранлари билан файзли бир учрашув бўлди. Очиғи, бундай марокли учрашувлар камдан-кам бўлади.

Музейнинг кенггина хоналаридан бирида ўнга яқин комсомол ветеранлари Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг котиблари, ВЛКСМ XXI съезди делегатларининг бир гуруҳи ўтиришибди.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Н. Носиров комсомолнинг коллективлаштириш, фуқаролар ва Улуғ Ватан урушлари даврлардаги, урушдан сўнг эса вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашдаги жасорати ҳақида сўзлади, комсомолнинг тарихи шонли ва бу билан ҳар қанча фахрланса арзишини таъкидлади.



Учрашувда ветеранларнинг кўплари ёшлик, комсомоллик йилларини, қийинчиликларни қандай бартараф этганликларини гапирдилар ва шу билан бирга бугунги комсомол-ёшлар тўғрисида ҳам талай фикрлар айтишди. Агар уларнинг фикрларини умумийлаштирадиган бўлсак, шундай хулоса келиб чиқади: ҳозирги ёшлар орасида лоқайдлар кўп. Катталарга ҳурмат, меҳр-оқибат каби хусусиятлар бугун айрим ёшлар учун ёт бўлиб қолаяпти. Ёшлар томонидан содир этилаётган қонунбузарлик ҳоллари ҳам ташвишли даражада. Комсомол ана шундай нарсаларга жиддий эътибор бермоғи лозим. Ота-боболаримиз бошлаган шарафли ишни дадил давом эттириш лозим...

Айниқса, комсомол ветерани Ҳадича опа Муҳаммедованинг айтганлари учрашув аҳлига манзур бўлди.

— Мен куни-кеча бир мактабга бордим. Юқори синфларда ўқийдиган қизлардан «Комсомолмисизлар?», деб сўрасам, улар «йўқ» деб жавоб беришди. Сабабини сўрасам, «қизиқ эмас» дейишди. Мен уларга комсомол ҳақида гапириб бердим. Қизиқ, нега ёшлар комсомол сафига ўтишга қизиқишмаяпти? Аввало сабабини ўрганиш керак. Мен мактабларга комсомол ветеранларини бириктириб қўйиш керак, деб ўйлайман. Улар ёшлар билан учрашувлар ўтказсинлар, ўзларининг комсомоллик даврлари ҳақида ҳикоя қилиб берсинлар. Бу ёшлар тарбияси, уларнинг катталарга муносабатларида муҳим роль ўйнайди. Шахсан мен мана шундай ишлар учун тайёрман.

— Ҳурматли отахонлар ва онахонлар. Сизлар бизнинг фахримизсизлар. Сизлар босиб ўтган машаққатли йўл, амалга оширган ишларингиз чексиз. Биз, комсомол-ёшлар буни юракдан ҳис этамиз. Сизларнинг фаолиятларингизга ҳавас қилганимиз ҳолда, ўзимиз ҳам яратгимиз, қургимиз, жамиятимизнинг тубдан янгиланишида олдинги сафларда боргимиз келади. Аслида ана шу мақсадда яшаяпмиз, ишлаяпмиз ҳам, — деди Андижон вилоятидан келган ВЛКСМ XXI съезди делегати Мамлакат Исмоилова.

Учрашув сўнггида ветеранларга Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳайдар АКБАР.

* * *

СУРАТДА: учрашув қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Муҳаммад АМИН сурати.

Редакциямиз меҳмонлари

Амалий мулоқотлар

Мана икки йилдирки, «Ёш ленинчи» «Комсомольская правда» рўзномаси редакцияси билан самарали ҳамкорлик қилиб келаяпти. Ҳар ойда марказий ёшлар рўзномасида чоп этилган энг яхши материалларни Ўзбекистоннинг ярим миллиондан зиёд йигит ва қизи ўз она тилида ўқимоқда.

Мана шу икки ёшлар рўзномаси ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, янги-янги самараларга эришиш учун нималарни амалга ошириш лозим! Аввало, тез-тез учрашиб туриш, ўзаро тажриба алмашиш зарур. Масалан, апрель ойининг ўрталарида «Ёш ленинчи» ходимларидан бир гуруҳи Москвада, «Комсомолка» редакциясида бўлади. Ҳозир жумҳуриятимизда эса Москвадан келган журналистлар меҳмон бўлиб туришибди. Куни кеча «Ёш ленинчи» редакциясига «Комсомольская правда»нинг ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича муҳаррири Анатолий Струнин ва ана шу рўзноманинг иқтисодий шарҳловчиси, мамлакатимиздаги етакчи ёш журналистлардан бири Павел Вошчанов ташриф буюришди. Ҳамкорликнинг янги қирралари ва йўналишлари борасида батафсил мулоқот бўлиб ўтди.

Редакциямиз меҳмонлари тўғрисида икки оғиз сўз: Анатолий Струнин яқин вақтгача «Комсомольская правда»нинг Волгоград вилоятидаги ўз мухбири бўлиб ишларди, эндиликда эса таҳрир ҳайъати аъзоси, редакциянинг тижорат деб аталмиш бўлимини бошқармоқда. Павел Вошчанов кўп йиллар Тошкентда яшади ва ишлади. У шу ерда журналист бўлди. Маълумоти бўйича иқтисодчи бўлган Павелнинг қалами ҳам ўткир. Унинг «Ельцин Америкада» очерки «Ёш ленинчи» кўпгина муштарийларининг эсида қолган бўлиши аён.

— Мана эндиликда Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий муаммолари тўғрисида ёзишга жазм қилдим, — дейди Павел. — Бу мақолани Ўзбекистон бўйича ўз мухбиримиз Мирзаахмад Алимов билан ҳамкорликда ёзамиз.

Мулоқотда қатнашаётган М. Алимов қўшиб қўйди: «Комсомолка» серқуёш жумҳуриятимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, бизда содир бўлаётган мураккаб қайта қуриш жараёнларини объектив ёритиб бораяпти. Биз Ўзбекистондаги оммавий халқ ҳаракатлари, янги тузилаётган партиялар тўғрисида ҳикоя қилишни ўйламоқдамиз.»

СУРАТДА: мулоқот пайти.

А. МАМАДАМИНОВ сурати.



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасида

Номзодлар тавсия этилмоқда

Адабиёт ва санъат соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари комиссияси маълум қиладики, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига адабиёт ва санъат соҳасида асарларни шу йилнинг 1 июнигача қабул этилади.

Ишларни мукофотга қабул қилиш низомига кўра, ижодий зиёлилар, режиссёрлар, шоирлар, адиблар, рассомлар, меъморлар, журналистлар, касбкор ва ҳаваскорлик жамоалари кўрсатилади. Мукофотга номзодликка кўрсатилаётган асарлар юксак бадиий, социалистик реализм принципларига асосланган, мамлакат ва жумҳурият ёш авлодининг қаҳрамонона ишлари тўғрисида илҳом билан ҳикоя қилинган бўлиши, йигит ва қизларнинг бой маънавий дунёси ва ахлоқий фазилатларини очиб бериши лозим. У ёшларни совет халқининг жанговар, инқилобий ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, йигит-қизлар ўртасида оммавийлик касб этган ва эътироф этилган бўлиши зарур.

Одатга кўра мукофотга 35 ёшдан катта бўлмаганлар, сўнгги икки йилда яратилган асарлар кўрсатилади. Булар китоб шаклида ёки даврий матбуотда чоп этилган энг яхши бадиий адабий, танқидий ва публицистик асарлар (роман, қисса, пьеса, шеърлар, танқидий мақолалар тўпламлари, очерклар, корреспонденциялар, репортажлар туркумлари); тасвирий санъат соҳасида (ранг тасвир, ҳайкалтарошлик, графика, манзарали-амалий ва монументал санъати) ва меъморчилик ишлари; театр санъати соҳасида (спектакллар, актёрлик маҳорати) ҳамда кино санъати соҳасида (бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар, ижрочилик маҳорати); мусиқий санъат соҳасида (чолғу асбоблари концерти, қўшиқлар, вокал-симфоник асарлар); болалар учун энг яхши асарлар бўлиши мумкин.

Асарларни мукофотга номзодликка вилоят комсомол қўмиталари, маданият органлари ва муассасалари, ижодий уюшмалар ва матбуот органлари тақдим этадилар. Улар номзодларнинг кенг жамоа муҳокамасини ташкил этишлари, уларнинг ёшлар ҳузурида ижодий ҳисоботларини ўтказишлари зарур.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти номзодлигига ҳужжатларни тўлдиришда қуйидагиларга эътибор бериш керак. Унда вилоят комсомол қўмитаси бюроси ва тақдим этаётган бошқа ташкилотларнинг қарори; бадиий кенгаш протоколидан кўчирма мазмунини ифодаловчи бир нусха тақдимтавсиянома; кўрсатилаётган асарларга умумий баҳо берилиб, у ташкилотлар раҳбарлари, комсомол қўмитаси котиби имзолаган ҳамда юмалоқ муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шунингдек, ҳар бир номзодга ижодий ва жамоат фаолиятининг батафсил характеристикаси бўлиши, унда шарифи, исми, отасининг исми (паспорт бўйича) аниқ ёзилиши, адабий ёки саҳна тахаллуси, таваллуд топган йили, партиявийлиги, миллати, маълумоти ва ихтисоси, фахрий унвони, мукофотлари, иш жойи ва лавозими, хизмат ва уй-макони, телефонлари, икки дона 6x9 ҳажмдаги фотосурати бўлиши зарур.

Барча ҳужжатлар муқоваланган бир папкага жойланган бўлиши, унда ташкилотнинг номи, мукофотга иши кўрсатилган номзоднинг шарифи, исми, отасининг исми кўрсатилиш лозим.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига ишлар ва таклифлар қуйидаги манзилга юборилади: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Намойишлар хиёбони, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси, ёшларнинг ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш бўлими, телефонлар: 39—15-37, 39-15-29.

«ДАЪВАТ» СОВРИНИ» СОВРИНДОРЛАРИ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмиталари ташаббуси билан пахта териш машиналари ёш механик-ҳайдовчилари ўртасида ташкил этилган «Даъват соврини» жумҳуриятлараро социалистик мусобақаси ўтган йилги йиғим-терим даврида ҳар қачонгидан ҳам кенг қулоч ёйди. Бу ўзига хос меҳнат беллашувида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон жумҳуриятларининг 407 нафар ёш механик-ҳайдовчилари фаол иштирок этишди.

Жумҳуриятлараро ёшлар меҳнат баҳсини уюштириш, йигит-қизларнинг юқори натижаларни қўлга киритишларида асосий омил бўлди. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошланган бу меҳнат беллашуви йиғим-теримни қисқа муддатларда ва сифатли ўтказилишига кенг имконият яратди. Теримнинг дастлабки кунлариданоқ Тожикистон жумҳуриятининг Хатлон вилояти, Ўзбекистон жумҳуриятининг Наманган ва Бухоро вилоятлари, Туркманистон жумҳуриятининг Мари вилояти ва Қирғизистон жумҳуриятининг Ўш вилояти ёш механизаторлари илғорликка интилдилар.

Пахта йиғим-теримининг бошлариданоқ Ўзбекистон жумҳуриятининг Наманган вилояти, Задарё ноҳиясидаги «Гулбоғ» давлат хўжалигидан Х. Аширов, Тожикистон жумҳуриятининг Хатлон вилояти Яван ноҳиясидаги «Яван—6» давлат хўжалигидан Д. Бобоқулов, Туркманистон жумҳуриятининг Мари вилояти Вохил—Бозор ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигидан О. Аннатурдиев сингари ёш механизаторлар ғолиблар сафида бордилар. Уларнинг ҳар бири 300 тонна ва ундан ҳам ортиқроқ «оқ олтин» теришга эришдилар.

Икки қаторли машинада энг юқори натижага Ўзбекистон жумҳуриятининг Наманган вилоятидан Ҳусанбой Аширов эришди. У мавсумда 315 тонна пахтани «пўлат этак»лардан бўшатди. Тўрт қаторли машинада эса Тожикистон жумҳуриятининг Хатлон вилоятидан Донохон Бобоқулов 360 тонна пахта териб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Йиғим-терим даврида «Даъват соврини» мусобақаси иштирокчиларининг ишлари матбуотда кенг ёритиб борилди. Ойнаи жаҳоннинг «Ёшлик» кўрсатувларида ва радиоэшиттиришларида кенг ташвиқ қилинди. Мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб, механик-ҳайдовчиларнинг иш натижалари кенг ёшлар оммасига тезкорлик билан маълум қилиб турилди.

Энг яхши натижаларга эришган механик-ҳайдовчиларнинг иш услублари агросаноат комплекси мутахассислари, комсомол ходимлари томонидан чуқур ўрганилди, уларни оммалаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Шу билан бирга социалистик мусобақа тажрибаси шуни кўрсатдики, барча комсомол қўмиталари ҳам бу ишга етарли даражада эътибор бермадилар. Мусобақа қатнашчиларига ҳамиша ғамхўрлик кўрсатмадилар.

Шундай бўлишига қарамай, умуман олганда мусобақани ташкил этиш механизаторларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, иш сифатини яхшилашга, материал ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилди. Энг муҳими — «Даъват соврини» мусобақаси Иттифоқдош жумҳуриятлар ёшлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, ҳамкасбларнинг ўзаро тажриба алмашишларига, йигит-қизларни байналмилал руҳда тарбиялашга хизмат қилди.

«Даъват соврини» учун пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг жумҳуриятлараро социалистик мусобақаси якунлари тўғрисида» Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон жумҳуриятлари Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқлари Марказий Қўмиталари Секретариатларининг қарори:

Қуйидаги ўртоқлар пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ўртасида ташкил этилган жумҳуриятлараро социалистик мусобақаси ғолиби деб топилсин ва уларга махсус совринлар топширилсин:

Биринчи ўрин:

АШИРОВ ҲУСАНБОЙ Йўлчибоевичга — Ўзбекистон жумҳурияти Наманган вилояти Задарё ноҳиясидаги «Гулбоғ» давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси;

БОБОҚУЛОВ Донохонга — Тожикстон жумҳурияти Хатлон вилояти Яван ноҳиясидаги «Яван—6» давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси;

Иккинчи ўрин:

АННАТУРДИЕВ Урозмуродга — Туркманистон жумҳурияти Мари вилояти Вохил—Бозор ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги механик-ҳайдовчиси;

Учинчи ўрин:

ЖАППОРОВ Акбаралига — Қирғизистон жумҳурияти Ўш вилояти Ленин ноҳиясидаги «Коминтерн» жамоа хўжалиги механик-ҳайдовчиси.

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон комсомоли Марказий Қўмиталарининг махсус соврини ва Фахрий Ёрлиғи билан Тожикистон жумҳурияти Ҳисор ноҳиясидаги «Партия XXII» съезди» жамоа хўжалигининг механик-ҳайдовчиси **Ҳабиба СОБИРОВА** тақдирланди.

Шунингдек, қардош жумҳуриятлик бир группа ёш механик-ҳайдовчилар Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон комсомоли Марказий Қўмиталарининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

«Правда» муштарийлари клуби

«Правда» рўзномаси муштарийлари янги клубининг аъзолари ҳамюртларига ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятни тушуниб етишга, дунёқарашларини тўғри шакллантиришга ёрдам бериш ниятидадирлар. Бу клуб «Бўз ҳақиқати» ноҳия рўзномаси редакцияси ҳузурида ташкил этилган. Клуб биргина факт ва ҳодиса тўғрисида мутлақо қарама-қарши фикрларни бериб турадиган марказий матбуотнинг кўплаб муштарийлари тилакларини ҳисобга олиб тузилди. Ана шу мураккаб муаммоларни тушуниб етишда Қўриқ ноҳия дала ва фермаларининг оддий меҳнатчиларига осон бўлмаяпти.

Клуб аъзолари «Правда» рўзномаси мухлисларининг кўпчилигининг нуқтаи назарида бирмунча долзарб ва қизиқарли бўлган мақолаларини, уларнинг ўзбек тилига таржималарини тўплашни ҳамда айрим рўзнома варақаларини чиқаришни режалаштирганлар. Клубда учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, муштарийлар конференциялари ўтказилади. Бу ерда «Правда» рўзномасининг анъанавий фестивалини байрам қилишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

ВЛКСМ УСТАВИ

Лойиҳа

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи совет ёшларининг кўнгилли, мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилотидир.

ВЛКСМ СССР Конституцияси, совет қонунлари ва СССР имзолаган халқаро шартномаларга мувофиқ ўз Устави асосида ҳаракат қилади.

ВЛКСМнинг асосий мақсади — йигит-қизларга камол топишларида кўмаклашиш, демократик социалистик жамият барпо этишда ёшлар иштирокини бирлаштириш.

ВЛКСМ ўз Ҳаракатномасига эга бўлиб, мамлакатнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашишга эришади, ёшларнинг, авваламбор ВЛКСМ аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар ва ваколатлардан фойдаланади.

ВЛКСМ ўз фаолиятини КПСС билан ғоявий бирлик асосида амалга оширади, истиқболдаги ва кундалик вазифаларни, ишнинг йўналиши ва шаклини белгилайди, бошқа ёшлар ва ўзга ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

I. ВЛКСМ ИЧКИ ИТТИФОҚ ТУРМУШИНИНГ АСОСЛАРИ

1. ВЛКСМ ички иттифоқ турмуши қуйидаги принципларга асосланади:

а) — ташкилот ҳар бир аъзосининг шахсий қадрияти ва фикрига ҳурмат;

б) — барча ташкилотлар ишидаги жамоатчилик, қарорлар қабул қилишдаги коллегиаллик, ВЛКСМ аъзоларининг топширилган иш учун шахсий масъулияти;

в) — барча комсомол органларини қуйидан юқоригача сайлаш;

г) — комсомол органлари ўз ташкилотлари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турадилар ва ўз фаолиятлари ҳақида юқори органларни хабардор қилиб турадилар;

д) — барча комсомол органлари ва ташкилотлари ишида мунозаралар эркинлиги, тўла ошкораликка амал қилинади;

е) — кўпчилик ва озчиликнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинади; кўпчиликнинг манфаатлари унинг бутун ташкилот номидан чиқиш ва ҳаракат қилиш ҳуқуқи, ташкилот мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланади; озчиликнинг манфаатлари унинг ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамоатчилик фикрига мурожаат этиш, сайлаб қўйиладиган органлар ёки ташкилотлар таркибини ташкилий расмийлаштиради; ВЛКСМ Уставига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи билан, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ва ажралиб чиқиш ҳуқуқи билан таъминланади;

ж) — агарда, юқори органлар қуйи органлар берган ваколатлар доирасида қарор қабул қилган бўлса, бу қарорлар қуйи органлар учун мажбурийдир;

з) — ВЛКСМда олий ва сайлаб қўйиладиган органларнинг, шунингдек улар аппаратларининг тасарруфи чегараси белгиланади. Уларнинг вазифалари ва ваколатлари ВЛКСМ съезди, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари съездлари, комсомол ташкилотлари конференциялари ва йиғилишлари қарорлари билан белгиланади.

ВЛКСМнинг умумий йўли ва вазифаларини амалга оширишдаги бирлик барча комсомол ташкилотларининг шакл ва услуб танлашда кенг мустақиллигини кўзда тутади.

2. ВЛКСМ МҚ, комсомол қўмиталари комсомол мукофотларини таъсис этиши мумкин.

II. ВЛКСМ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

3. Совет Иттифоқининг 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган, ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставини тан оладиган, бошланғич ташкилотларнинг бирида ишлайдиган, аъзолик бадалларини тўлаб турадиган ҳар бир ёш ВЛКСМ аъзоси бўла олади.

ВЛКСМ аъзолигига ёш чегаралари иттифоқдош жумҳурият ЛКСМлари Уставлари ёки норматив ҳужжатлари билан кенгайтирилиши мумкин.

Зарур ҳолларда бошланғич комсомол ташкилоти 14 ёшга тўлмаган ёшни ҳам ВЛКСМ аъзолигига қабул қилиши мумкин.

ВЛКСМ аъзосининг аризасига мувофиқ бошланғич комсомол ташкилоти қарори билан комсомолда бўлиш муддати узайтирилиши мумкин.

ВЛКСМ аъзолари ягона намуналари комсомол билети ва комсомол нишонига эга бўладилар.

4. ВЛКСМ аъзоларининг бир иттифоқдош жумҳурият ЛКСМидан иккинчисига ўтиши унинг ВЛКСМ Уставида белгиланган ҳуқуқларини камситмаслиги керак.

5. ВЛКСМ аъзолигига қабул.

ВЛКСМ аъзолигига қабул масаласи бошланғич ташкилотда муҳокама қилинади ва ҳал этилади, бунда кирувчиларга тавсиянома зарурлигини унинг ўзи белгилайди. Йиғилишда қатнашаётган ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади.

6. ВЛКСМ аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) — ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда ёрдам сўраб комсомол ташкилотлари ва органларига, комсомолнинг оммавий ахборот воситаларига мурожаат этиш, ВЛКСМнинг сиёсий, ташкилий ва моддий имкониятларидан фойдаланиш;

б) — комсомол органларига номзод кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш;

в) — комсомол фаолияти барча масалаларини муҳокама этиш, танқид қилиш, таклиф киритиш, ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш;

г) — ўзининг фаолияти ёки хулқ-атвори тўғрисидаги масале муҳокама қилинаётганда комсомол йиғилишларида, комсомол органларининг мажлисларида шахсан қатнашиш;

д) — характеристика, тавсиянома сўраб комсомол ташкилотига мурожаат қилиш;

е) — комсомол органлари эркин тасарруфидаги ахборотни олиш; то ВЛКСМ Марказий Қўмитасигача ҳар қандай комсомол органига саволлар, аризалар ва таклифлар билан мурожаат қилиш ҳамда ўз мурожаатига асосли жавоб талаб қилиш;

ж) — принциплари ва фаолияти СССР Конституциясига зид бўлмаган ва ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставини бажаришга қаршилик қилмайдиган бошқа ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар, ҳаракатлар ишида қатнашиш;

з) — бир вақтнинг ўзида ҳам ўз бошланғич ташкилоти, ҳам бошқа ташкилот ишида қатнашиш ёхуд бир ташкилотдан бошқасига иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари доирасида ушбу ташкилотнинг розилиги билан ўтиш.

7. ВЛКСМ аъзоларининг бурчлари:

а) — ВЛКСМ Ҳаракатномасида белгиланган вазифаларни бажаришда қатнашиш;

б) — умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтириш, СССР ва бутун дунё халқлари ўртасида дўстликни ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш;

в) — ВЛКСМ обрўси, комсомол сафига муносиб кишилар қабул қилиниши ҳақида ғамхўрлик қилиш, ВЛКСМ Устави талабларига риоя этиш;

г) — иттифоқда ўз муносабатларини ўртоқчилик, ҳурмат ва ўзаро ёрдам асосига қуриш;

8. ВЛКСМга аъзоликнинг тўхтатилиши.

ВЛКСМга аъзолик:

а) — ВЛКСМ аъзоси бу ҳақда бошланғич комсомол ташкилотини ёзма равишда хабардор қилиб, комсомол билетини топширгандан кейин ўз хоҳишига кўра;

б) — ВЛКСМ аъзолиги муддатини чекловчи ёшга етиш муносабати билан, агар комсомол шу пайтга келганда комсомол органларига сайланмаган бўлса, комсомол ишида бўлмаса, кашшофлар етакчиси бўлиб ишламаётган ва ВЛКСМда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза бермаган бўлса, тўхтатилиши мумкин.

9. ВЛКСМдан чиқариш масаласи бошланғич ташкилотда ҳал этилади. Йиғилишда қатнашаётган ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпи овоз бергандагина қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Лойиҳа

ВЛКСМ УСТАВИ

(Боши 1-бетда).

10. ВЛКСМ сафидан чиқарилган комсомол икки ойлик муддат ичида то ВЛКСМ Марказий Қўмитасигача бўлган юқори комсомол органларига шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси комсомол органлари томонидан бу ариза тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муддат ичида кўриб чиқилади.

III. ВЛКСМНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

11. Бошланғич комсомол ташкилотлари иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойлари ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли манфаатлар муштараклиги асосида тузилади (ёшлар қатламлари бўйича ижтимоий ҳаракатномалари ва бошқалар учун, сиёсий клубларда, экологик тузилмаларда ва ҳоказо).

12. Комсомол ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш музофот миқёсидаги давлат, жамоат ташкилотлари ва органлари билан ҳамкорлик қилиш учун ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият комсомол ташкилотларига, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларига, зарур ҳолларда бошқа ҳудудий бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Комсомол ташкилотлари ижтимоий аҳамиятга эга манфаатлар муштараклиги асосида, шунингдек музофот, Бутуниттифоқ бирлашмалар ва ассоциацияларига бирлашишлари мумкин.

Эслатма: чет элда бўлган ВЛКСМ аъзолари тегишли мамлакатдаги совет маҳкамалари ва жамоалари комсомол ташкилотларига бирлашадилар. Бу комсомол ташкилотлари бевосита ВЛКСМ таркибига кирадилар, ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Устави, ВЛКСМ МҚнинг норматив ҳужжатлари асосида ишлайдилар.

13. Зарур ҳолларда бошланғич комсомол ташкилотлари бевосита ўз вилоят, ўлка, жумҳурият ташкилотлари, иттифоқдош жумҳурият ЛКСМлари таркибига кириши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг тузилмалардаги ўрни ва мақоми уларнинг ўзлари ва сайлаб қўйиладиган тегишли орган томонидан аниқланади.

14. Комсомол ташкилотлари ўз сайлаб қўйиладиган органлари — комсомол қўмиталари (президиумлар, котиблар кенгашлари ва б.)ни ва назорат комиссияларини шакллантирадилар. Сайлаб қўйиладиган органлар мустақил равишда таркиби ва штатини белгилаган ҳолда ўз аппаратларини тузишлари мумкин.

15. Бошланғич ташкилот учун — умумий йиғилиш, конференция; иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ва ВЛКСМ учун — съезд комсомол ташкилотларининг олий органидир. Комсомол ташкилотлари аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпи қатнашган тақдирдагина йиғилиш, конференция, съезд ҳуқуқий мақомга эга бўлади.

16. Мазкур ҳудуддаги комсомолларни бирлаштирган ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган органи унинг таркибига кирувчи ҳамма комсомол ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларига нисбатан юқори орган ҳисобланади.

IV. БОШЛАНҒИЧ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ

17. Бошланғич ташкилот — бу ВЛКСМнинг негизи ҳисобланади:

Бошланғич ташкилотнинг ВЛКСМдаги мавқеи унинг қуйидаги ҳуқуқлари билан белгиланади:

а) — ҳал этишни юқори органлар ваколати доирасида ўтказилган масалалардан ташқари ўз турмуши ва фаолиятидаги истисносиз барча масалаларни ҳал этиш;

б) — мустақил ўзининг ички тузилишини белгилаш ва бошланғич ҳамда қошида комсомол гуруҳлари ҳуқуқидаги комсомол ташкилотлари тузиш;

в) — комсомол йиғилишларини ўтказиш даврийлигини мустақил равишда белгилаш;

г) — ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлиш, ўзининг молиявий маблағлари, жиҳозларига эгалик қилиш;

д) — ноширлик фаолиятини олиб бориш ва ўз ахборот органига эга бўлиш;

е) — ўз вакилларини сайлаб қўйиладиган органларга тавсия қилиш, уларга наказлар бериш, сўровлар бериш, ҳисоботларини тинглаш, зарур ҳолларда чақириб олиш.

18. Бошланғич комсомол ташкилоти тузиш тўғрисидаги қарор камида уч ВЛКСМ аъзоси қатнашган таъсис йиғилишида қабул қилинади ва юқори комсомол органи томонидан рўйхатга олинади.

19. Бошланғич ташкилот комсомолларининг умумий йиғилиши ёки конференцияси комсомол қўмитаси (бюро, президиум. ва б.)ни ва (ёки) котибни сайлайди. Комсомол қўмитаси (бюро, президиум ва б.) (котиб) комсомол ташкилотининг кундалик ишларини уюштиради. Бошланғич комсомол ташкилоти назорат комиссиясини сайлаши мумкин.

20. Бошланғич ташкилотни тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорни мазкур ташкилотнинг умумий йиғилиши қабул қилади. Унинг фаолияти амалда тўхтаб қолган тақдирда, шунингдек ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига зид бўлган тақдирда юқори комсомол ташкилотининг тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорни юқори орган қабул қилади.

V. ИТТИФОҚДОШ ЖУМҲУРИЯТ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

21. Иттифоқдош жумҳуриятлар Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқлари иттифоқдош жумҳуриятлар ёшларининг кўнгилли, мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилотларидир.

22. Иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари кўнгиллилик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ВЛКСМга бирлашадилар ва ВЛКСМнинг сайлаб қўйиладиган марказий органларига ўз кафолатланган вакиллари орқали умумкомсомол масалаларини ҳал этишда қатнашадилар. Улар барча ҳуқуқларга тўла эгалар, буларнинг бир қисмини ВЛКСМнинг сайлаб қўйиладиган марказий органлари ихтиёрий равишда бериб, ВЛКСМ съезди қарорлари ва комсомол Уставида мустаҳкамлаб қўядилар. Шунга мувофиқ улар ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига, съезд ва ВЛКСМ МҚ қарорларига амал қиладилар.

23. Иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига зид келмайдиган ўз Ҳаракатномалари, Уставлари ва ўзимча рамзларга эга бўлишлари мумкин. ВЛКСМ Уставида белгиланган нормалардан ташқари, ички иттифоқ фаолиятининг барча нормалари иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ихтиёрида.

24. Барча иттифоқдош ЛКСМлари ВЛКСМ таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Чиқиш ҳақидаги қарор иттифоқдош жумҳурият ЛКСМнинг ҳисобида турган ВЛКСМ аъзоларининг учдан икки қисми ёки кўпи овоз берган тақдирда референдум якунларига кўра қабул қилинади.

VI. СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ВЛКСМ ТАШКИЛОТИ

25. СССР Қуролли Кучларининг ВЛКСМ ташкилоти ўз сафларида комсомол аъзоси бўлган ҳарбий хизматчиларни, СССР Мудофаа Вазирлиги муассасалари, корхоналари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштиради.

СССР Қуролли Кучларининг ВЛКСМ ташкилоти ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Устави, умумармия комсомол конференциясида қабул қилинган Низом асосида ишлайди. Қолган жиҳатлари бўйича СССР Қуролли Кучларининг ВЛКСМ ташкилоти иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ҳуқуқига эга.

Эслатма: СССР Давлат Хавфсизлик қўмитасининг чегара қўшинлари ҳамда СССР Ички Ишлар Вазирлигининг ички қўшинларининг комсомол ташкилотлари ҳам ўз ишларини СССР Қуролли Кучлари ВЛКСМ ташкилоти сингари қурадилар.

VII. ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ АСОСИДАГИ ВЛКСМ БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАЛАРИ ВА УЮШМАЛАРИ

26. ВЛКСМ Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмалари ёшлар қатламлари бўйича ижтимоий ҳаракатномаларни бажариш, сиёсий клублар бирлашмалари, экологик тузилмалар, шунингдек ёшларнинг бошқа ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлари муштараклиги асосида тузилиши мумкин.

Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмалари ВЛКСМ Ҳаракатномасига зид бўлмаган ўз Ҳаракатномаларига эга бўлишлари, сайлаб қўйиладиган ўз органларини тузишлари, ўз вакиллари орқали умумкомсомол масалаларини ҳал қилишда қатнашишлари мумкин.

Ички иттифоқ ҳаёти нормаларини белгилашда улар ВЛКСМ Устави, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари уставлари ва норматив ҳужжатларига асосланадилар.

Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмалари ўз қўшимча рамзларига эга бўлишлари мумкин.

VIII. ВЛКСМНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

27. Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг олий органи — ВЛКСМ съезди ҳисобланади. ВЛКСМнинг навбатдаги съездлари ВЛКСМ МҚнинг пленуми томонидан уч йилда бир марта чақирилади.

ВЛКСМнинг навбатдан ташқари съезди ВЛКСМ МҚнинг пленуми томонидан, шунингдек иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг камида тўртдан бир қисмининг талаби ёки ВЛКСМ таркибида ВЛКСМ аъзоларининг камида тўртдан бир қисмини бирлаштирган комсомол ташкилотларининг қарори билан чақирилади.

Эслатма: Уставда кўрсатилган «Иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг тўртдан бир қисми» нормаси иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари билан бир қаторда СССР Қуролли Кучлари ВЛКСМ ташкилотларини ҳам ўз ичига олади.

Съездни чақириш муддати ва кун тартиби съезддан камида уч ой олдин эълон қилинади. Съездга делегатлар бошланғич ташкилотлар фикрини ҳисобга олган равишда ёпиқ (яширин) овоз бериш билан сайланади. ВЛКСМ съездига ваколатлар нормасини ва съездга делегатлар сайлаш тартибини ВЛКСМ МҚ пленуми белгилайди.

28. ВЛКСМ съезди ВЛКСМнинг турмуши ва фаолиятига доир истисносиз барча масалаларни ҳал этади.

ВЛКСМ съездининг хусусий ваколатлари:

а) — ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссияси (МНК) ҳисоботлари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

б) — ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставини қабул қилиш.

в) — ВЛКСМ МНКни сайлаш ва ВЛКСМ МНК тўғрисидаги Низомни қабул қилиш;

ВЛКСМ съезди ВЛКСМ МҚнинг биринчи котибини сайлайди, комсомол ташкилотлари томонидан сайланган ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзоларининг ваколатларини тасдиқлайди.

29. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда комсомолнинг ишини ВЛКСМ Марказий Қўмитаси унга ВЛКСМ съезди белгилаган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириб туради.

Ундан ташқари ВЛКСМ МҚ:

а) — зарур ҳолларда иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ҳуқуқларини камситмаган ҳолда ВЛКСМга кирувчи ташкилотлар мақомларини ўзгартиради ва ВЛКСМ Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмаларини рўйхатга олади.

б) — ВЛКСМ МҚ пленумлари ўртасидаги даврида комсомол ишларини ташкил этиш учун Марказий Қўмита Бюросини тузади;

в) — ВЛКСМ МҚ котибини қайта сайлайди. ВЛКСМ МҚга янгидан вакил қилинганларнинг ваколатларини тасдиқлайди.

г) — «Комсомольская правда» рўзномасининг муҳарририни ва редакция уставини тасдиқлайди.

д) — ВЛКСМ МҚ аъзоларидан кундалик ишни амалга ошириш ва ВЛКСМ МҚ аппарати фаолиятини ташкиллаштириш учун ВЛКСМ МҚ котибларини сайлайди;

г) — аппаратнинг тузилишини, штатини, ВЛКСМ МҚ бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.

Эслатма: ВЛКСМ МҚ аппаратининг таркиби ВЛКСМ МҚнинг биринчи котиби томонидан шакллантирилади ва ВЛКСМ МҚ Бюроси муҳокамасига қўйилади.

30. ВЛКСМ МҚ пленумлари ВЛКСМ МҚ Бюроси томонидан камида олти ойда бир марта чақирилади. Пленумни чақириш муддати ва кун тартиби пленумга одатда бир ой қолганда эълон қилинади.

ВЛКСМ МҚнинг пленуми ВЛКСМ МҚ аъзоларининг камида тўртдан бир қисмининг ёки иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари МҚлари аъзоларининг камида тўртдан бир қисмининг талаби билан чақирилади.

ВЛКСМ МҚ пленуми ВЛКСМ МҚга сайланган аъзоларнинг ярмидан кўпи қатнашган тақдирдагина ҳуқуқий мақомга эга бўлади.

31. ВЛКСМнинг Марказий Назорат Комиссияси ВЛКСМ Устави талабларига, ишларнинг белгиланганидек ўтиши, комсомолнинг марказий органларига ёзилган хат, ариза ва шикоятларни кўриш тартибига риоя этилишини назорат қилади; комсомол бюджети ижросининг тўғрилиги, шунингдек ВЛКСМ МҚ корхоналари ва муассасаларининг молиявий хўжалик фаолиятини ва бошқаларни ВЛКСМ МНК тўғрисидаги Низомга мувофиқ назорат қилади.

IX. БУТУНИТТИФОҚ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ВА РЕФЕРЕНДУМЛАРИ

32. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда комсомолнинг шошилинч сиёсий ва ички иттифоқ муаммоларини ҳал этиш учун ВЛКСМ МҚнинг пленуми қарори ёки иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг камида тўртдан бир қисмининг ташаббуси билан Бутуниттифоқ комсомол конференцияси чақирилиши мумкин. Конференцияни ўтказиш тартибини, ваколатлар нормасини ва делегатлар сайлаш тартибини ВЛКСМ МҚнинг пленуми белгилайди.

33. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда ВЛКСМ МҚ пленуми қарорига мувофиқ ёки иттифоқдош жумҳуриятлари ЛКСМларининг камида тўртдан бир қисмининг ташаббуси билан комсомол турмуши ва фаолиятида вужудга келган энг муҳим сиёсий ва ички иттифоқ муаммоларини, шунингдек ВЛКСМ съезди қарор қила олмаган муаммоларни ҳал этиш учун Бутуниттифоқ комсомол референдуми ўтказилиши мумкин.

Бутуниттифоқ комсомол референдумида ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этгандагина у ваколатли деб ҳисобланади. Референдум қарорини унда иштирок этган комсомолларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берса қабул қилинган деб ҳисобланади.

X. КОМСОМОЛ ВА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ КАШШОФЛАР ТАШКИЛОТИ

34. Комсомол болаларни ижтимоий ривожлантириш манфаатларида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилоти билан ҳамкорлик қилади, унга илмий-методик ва моддий-молиявий ёрдам беради, кадрлар тайёрлашда кўмаклашади.

Кашшофлар ташкилотига комсомолнинг сайлаб қўйиладиган органларида бўлиш кафолоти берилади. Кашшофлар ташкилотида ишлаётган ВЛКСМ аъзолари тегишли комсомол қўмитаси белгилаб қўйган миқдор бўйича кашшофлар ташкилотлари кенгаши томонидан сайлаб қўйиладиган орган таркибига сайланадилар.

XI. ВЛКСМ МУЛКИ

35. ВЛКСМ мулкига пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, комсомол ташкил қилаётган корхоналар ВЛКСМ аъзоларининг манфаатлари йўлида Ҳаракатномадаги ва Уставдаги вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа нарсалар киради.

Бошланғич, ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият комсомол ташкилотлари, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари, Қуролли Кучлар комсомол ташкилотлари, ВЛКСМ ўзларининг сайлаб қўйиладиган органлари тимсолида, ВЛКСМ мулкининг ўз даражалари миқёсида шаклланган қисмига эгалик қиладилар ва ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар. Агар ташкилот ВЛКСМ таркибидан чиқаётган бўлса мулк масаласи у билан ўз юқори сайлаб қўйиладиган орган томонидан ҳал қилинади.

Комсомол ташкилоти ёки унинг сайлаб қўйиладиган органи тугатиладиган тақдирда бу ташкилот олий органи (съезд, конференция ёки умумий мажлис) ёки юқори орган ҳуқуқий шахс бўлган ва ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставида белгиланган мақсадларини амалга ошириш учун мулк соҳибини белгилайди.

36. Комсомол ташкилотлари корхоналар, нашриётлар, ёшлар рўзномалари ва журналлари редакциялари, муассасалар, хўжалик ташкилотлари тузишлари, ташқи иқтисодий фаолият олиб боришлари мумкин.

Уларни тузиш, ишлаш, тугатиш ва тарқатиш тартиби ВЛКСМ МҚ ва иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМ МҚ томонидан СССР ва иттифоқдош жумҳуриятлар қонунчилигига мувофиқ белгиланади

37. ВЛКСМнинг пул маблағлари аъзолик бадалларидан, комсомол ташкилотларининг тадбирларидан тушадиган маблағлардан, сайру саёҳат ва ташқи иқтисодий фаолият даромадларидан, ноширлик ва нашрлар, комсомол корхоналари ва хўжалик ташкилотлари ва бошқа фаолият турларидан олинадиган фойдалардан, тушумлардан ҳосил бўлади Шунингдек фуқароларнинг ва корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари, пул ўтказишлари ҳам ВЛКСМ даромади бўлиши мумкин.

ВЛКСМнинг бюджети қуйидан юқорига қараб шаклланади.

38. Ойлик аъзолик бадали қуйидагича миқдорда белгиланади:

— ойига 80 сўмгача даромад оладиганлар — 10 тийин;

— ойига 81 сўмдан 100 сўмгача даромад оладиганлар — — 0,5 фоиз;

— ойига 101 сўмдан 150 сўмгача даромад оладиганлар — 1,0 фоиз.

— ойига 150 сўмдан кўп даромад оладиганлар — 1,5 фоиз тўлайдилар.

ВЛКСМ аъзоси бўлган ўқувчилар ва талабалар нафақаси олмайдиган талабалар аъзолик бадалини фақат ишлаб топган маблағларидан тўлайдилар.

Даромад олмайдиган ВЛКСМ аъзолари ҳомиладорлиги туфайли ёки фарзанд парвариши бўйича таътилда бўлганлар, шунингдек ижтимоий суғурта фондидан нафақа олувчилар бошланғич ташкилотнинг қарори билан аъзолик бадали тўлашдан озод қилинишлари мумкин.

ВЛКСМнинг штаб-уйи Москва шаҳрида жойлашган.

Хорижда́н хабарлар

«ЖАБРДИЙДА БОЛАЛАРГА ЁРДАМ ФОНДИ»

ВАШИНГТОН, (ТАСС) Бу ерда «Жабрдийда болаларга ёрдам фонди» таъсис этилганлиги маълум қилинди. Фонд Арманистонда рўй берган зилзила жабрдийдаларини даволаш ва уларни ўқитишни, шунингдек, қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар, бундай кулфат СССР ёки АҚШда рўй берадими, барибир ана шу кулфатдан жабрланган бошқа болаларга ёрдам беришни таъминлаши керак.

Фонд Вашингтон шаҳрида хайрия, таълим-тарбия ва илмий мақсадларни кўзловчи ташкилот сифатида расмий равишда рўйхатга олинди. «Пепсико» кампанияси директорлар кенгашининг раиси Ж. Кендалл фонд раиси қилиб сайланди. АҚШда ҳам, СССРда ҳам хайрия тадбирлари: концертлар, кўргазмалар, ким ошди савдолари ўтказиш йўли билан, шунингдек, ташкилотлар ва айрим шахслардан келадиган тушумлардан маблағлар жамланиши назарда тутилмоқда. Ҳозир фонд ҳисобида 130 минг доллар пул бор.« Жабрдийда болаларга ёрдам фонди» таъсисчилари В. И. Ленин номли Совет болалар фонди билан ҳамкорлик қилиш ниятидадирлар.

ШОШМА-ШОШАРЛИК ҚИЛМАСЛИК ВА ҲИС-ТУЙҒУЛАРГА БЕРИЛМАСЛИК КЕРАК

Хорижий сиёсат арбоблари, оммавий ахборот воситалари Литва теварагидаги воқеаларнинг ривожини зўр эътибор билан кузатмоқдалар. Улар юзага келган масалаларни ҳар томонлама пухта ўйлаб ҳал этилишини ёқлашмоқда, Москва сергаклик билан, вазмин иш юритаётганлигига муносиб баҳо бермоқдалар, худди шу нарса СССР Президентининг Литва ССР халқига, Литва ССР Олий Советига мурожаатномаларида ўз ифодасини топган.


● ХЕЛЬСИНКИ. Финляндияда Болтиқбўйида вазият мураккаблашиши мумкинлиги муносабати билан хавотирлик билдиришмоқда. «Ууси суоми» рўзномаси Финляндия ташқи ишлар министри П. Паасионинг Турку шаҳридаги нутқини баён этар экан, вазир «Ташқи сиёсий масалалар тўғрисида шошилинч гаплар айтмаслик хусусида огоҳлантирганлигини» таъкидлайди.

● ЛОНДОН. «Мен жумҳуриятлардан бири бир томонлама декларация қабул қилиш йўли билан тўла мустақилликка эришиши мумкин бўлган шароитда рўй берган вазиятга совет ҳукумати қандай рози бўла олишини тушуна олмаяпман, — деб ёзади «Индепендент» рўзномасига юборган хатида Британия парламентининг юқори палатадаги лейбористлар раҳбари Лорд Кледуин. — СССР раҳбарияти иттифоқ таркибига кирувчи жумҳурият ўзи хоҳлаган тақдирда, фақат музокаралардан кейингина мустақилликка эришиши мумкин деб ҳисоблайди. Бу музокараларда Совет Иттифоқининг манфаатлари, энг аввало мудофаа соҳасидаги манфаатлари энг кўп даражада таъминланиши мақсад қилиб қўйилиши зарур. Истилочилар мамлакатга ғарбдан ҳужум қилган йўлда жойлашган Литвага нисбатан ана шу мудофаа масаласи, айниқса, муҳимдир».

● ПАРИЖ. «Монд» рўзномаси Москва билан Вильнюс ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавзусини ривожлантириб, шундай ёзади: можаро кучайган тақдирда ҳам бу иш куч ишлатишгача бориб етади, деган маънони билдирмайди. «Совет раҳбарияти ҳозирги вақтда ўзига бошқача йўл танлади, — деб таъкидлайди рўзнома. — Бу йўл совет қонунлари ва СССР Конституциясига риоя этишга чақиришдан иборатдир».

● ВАШИНГТОН. Литва Америка қонун чиқарувчиларини ўзини дипломатик жиҳатдан расман тан олишга чақириб, АҚШ конгрессини ноқулай аҳволга қўйди, деб ёзади «Филадельфия инкуайрер» рўзномаси. Рўзноманинг ёзишича, «Совет Иттифоқида америкаликлар. литваликлар, руслар, европаликлар ва бутун дунё учун ғоят муҳим масала ўртага қўйилди». Бу масала СССРда янги сиёсий тузилмалар ташкил этилаётганлигидан иборат. СССР, афтидан, ушбу жараён чоғида Америка, Совет Иттифоқи ва Европадаги етакчи давлатларни ягона тузилма доирасида бирлаштирадиган Европа хавфсизлигининг янги системасини тузиш ишида Ғарб билан бирлашишга тайёр кўринади. Конгресс Литванинг тан олиниши хусусида шубҳа билдириб, мутлақо тўғри иш қилди, деб хулоса қилади рўзнома. — Жуда кўп ҳаётий масалаларни ҳал этиш керак. Шунинг учун ҳам қатъий ҳаракатларда омилкорлик зарур. Ҳозир эҳтиёткорлик билан сиёсат юритадиган вақт келди.

(ТАСС).



АҚШ. Ном деган жойда (Аляска) ўтказилган ғаройиб мусобақалар янги рекорд билан тугалланди. Уни сўнгги тўрт йилда ўтказилган икки мусобақанинг ғолиби Сюзан Бутчер итлар қўшилган чанада Анкориждан Номгача бўлган 1868 чақирим масофани 11 кун 1 соату 53 дақиқа ичида босиб ўтиб ўрнатди.

Айтиш керакки, бу мусобақани асримиз бошида Аляскага олтин излаб борганлар ўйлаб топган. Бироқ у пайтлар масофа бунчалик узоқ эмасди — нари борса 100 чақирим келарди, холос. Кейинчалик чана йўли бутун Аляска бўйлаб 650 чақиримга етди. Ўша вақтда ўтказиладиган мусобақаларнинг ташаббускори ва доимий ғолиби аляскалик Скотти Аллен эди. У билан ҳатто Жек Лондон ҳам учрашган.

Ҳозир бундай пойгалар АҚШда жуда расм бўлган, улар рўзномаларда, радио, телевидениеда муттасил ёритилади. Бадавлат кишилар ким ютиши ҳақида гаров ўйнаб катта пуллар тикишади ва ҳоказо. Қўшимча қилиб айтсак, пойга ғолиби, матонатли аёл Сюзан Бутчер 11 кунлик меҳнати эвазига 50 минг доллар олди.

СУРАТДА: Сюзан Бутчер маррада.

ТАСС — АП телефотоси.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ НОМИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

СОФИЯ. (ТАСС). Болгария Компартиясининг олий партия кенгаши сешанба куни бўлиб ўтган ўз мажлисида Болгария Коммунистик партиясининг номини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Энди у Болгария Социалистик партияси (БСП) деб аталади. Умумпартия референдуми бу қарор учун асос бўлди, референдумда БКП аъзоларининг 80 фоизидан кўпроғи қатнашди. Референдум қатнашчиларининг салкам 87 фоизи янги номни ёқлаб чиқди.

Олий партия кенгашининг президиумига партияни янги номи билан БХР қонунларини белгиланган тартибга биноан рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, БКПнинг ҳуқуқий вориси бўлмиш Болгария Социалистик партиясининг ҳолатидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқий ва мулкий масалаларни ҳал этиш топширилди. Партиянинг Уставига ва бошқа ҳужжатларига, партия рамзий белгиларига тегишли тузатишлар киритилади.

САФАР ТУГАДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС) АҚШ Президенти Ж. Буш сешанба куни ўзининг мамлакат бўйлаб қилган икки кунлик сафарини тугатди. Сафардан кўзда тутилган мақсад Республикачилар партиясидан АҚШ конгрессига ва ҳокимият маҳаллий органларига номзодлар фондларига маблағ йиғиш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда сўзга чиқиш эди. Бу йил сенатнинг учдан бир қисми конгресс вакиллар палатасининг ҳамма аъзолари, 36 нафар губернатор, кўпгина шаҳарларнинг мерлари қайта сайланади, штатлар қонун чиқариш кенгашларининг аъзолари янгиланади.

Фаолиятини 80 фоиз америкаликлар қўллаб-қувватлаётган Президент ўзининг халқ орасидаги машҳурлигидан Республикачилар партиясидан номзодлар сайловолди кампаниясида устун келишлари учун фойдаланишга уринмоқда.

Ж. Буш, шунингдек, Жоржия, Огайо, Индиана ва Мичиган штатларига сафаридан ўзининг турли соҳалардаги режаларини тарғиб қилишда ҳам фойдаланди: шаҳарларни кўкаламзорлаштириш, Америка мактабларида таълим сифатини ошириш ва Куба ҳукуматини беқарорлаштириш шулар жумласидандир.

СУД ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУХАРЕСТ, (ТАСС). Мана икки кундирки. бу ерда 66 ёшли генерал-лейтенант, қатл этилган диктаторнинг укаси, ички ишлар вазирлиги милиция офицерлари ва давлат хавфсизлик комитети мактабининг собиқ бошлиғи Николае Андруцэ Чаушеску иши юзасидан суд жараёни давом этмоқда. Олий суднинг ҳарбий секцияси бир қанча гувоҳларнинг сўзларини тинглади. Улар судланувчининг 21—22 декабрь кунлари Руминия пойтахтида бўлган тинч намойишни бостиришга раҳбарлик қилаётганидаги ҳаракатларига даҳлдор маълумотларни айтиб бердилар.

Н. А. Чаушеску — акаси Н. Чаушеску ва унинг рафиқаси қатл этилганидан кейин оиланинг декабрь революцияси давомида содир этилган жиноятлар учун судга берилган дастлабки аъзосидир.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОГВЕЛЛАНИНГ РЕКОРДИ

● КЕНИЯДА яшовчи Арсантуса Акуку Огвелланинг номи «Гиннеснинг рекордлар китоби»да зикр этилмаган бўлса-да, лекин ўз ватанида, айниқса, луо қабиласи орасида унинг номи машҳур. У ўзининг 72 ёшида 41 нафар қонуний хотинга эга. Шу ёшгача у 126 марта уйланган. Оилавий келишмовчилик сабабли 85 марта ажрашган.

«Кения таймс» рўзномасида ёзишларича, бу одамнинг ҳаёти бесамар ўтмади. Ҳозир унинг 497 фарзанди ва 185 нафар невараси бор.

СЕВГИ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

● ДАРВОҚЕ, бу гап ҳақиқатан ҳам тўғрига ўхшайди. Бўлмаса Американинг Иллинойс штатида яшовчи 77 ёшли қариялар — Элизабет ва Жозеф Пипкинлар шу ёшда бир-бирига ошиқу-беқарор бўлади, деб ким ўйлабди. Бунинг устига никоҳ тўйи қилишгани-чи?!

Энг қизиғи шундаки, улар 1932 йилда қонуний эр-хотин бўлишган. 6 йил бирга яшашган, икки фарзанд кўришган, лекин оилани сақлаб қолишолмаган — ажрашишган. Ҳозир Жозеф буни ёшлик хатоси, деб таърифламоқда. «Менинг отам ҳам 78 ёшида қайта уйланган ва 105 ёшгача, яъни умрининг охиригача хотини билан тотув яшаган» дейди Жозеф.

Бу воқеанинг яна бир қизиқ жиҳати шундаки, уларнинг қайта «танишувига» қизи — Эвелин сабабчи бўлган. У онасига собиқ эри Жозефни табриклаб гулқоғоз жўнатишни таклиф қилади. Бу фикр Элизабетга маъқул келади. Шундан сўнг қайноқ муҳаббат сатрларига тўлиқ хатлар, кейин ҳаяжонли учрашувлар бошланади ва...

ВЕРТОЛЁТНИ ТОШ БИЛАН УРИБ «ТУШИРДИ»

✦ ИСПАНИЯЛИК Хосе Диего деган одам сигирларини далага ҳайдаб чиққан эди. Бир пайт вертолёт жуда пастлаб учиб ўтди. Унинг шовқинидан сигирлар тирақайлаб ҳар томонга қочишди. Диегонинг жаҳли чиқди, муштумини тугиб, осмонга қараганча учувчига ўдағайлади. Сўнг сигирларини зўрға бир ерга тўплади. Учувчи Диегонинг жаҳлини яна чиқармоқчи бўлди, шекилли, ортига қайтиб, боғидан ҳам пастроқда учиб кела бошлади. Шу пайт Диего майда тошлар билан вертолётни тошбўрон қила кетди.

Шуниси қизиқки, Диегонинг ўзи ҳам вертолётни тошбўрон қилиб қулатганига ишонгиси келмаяпти. Бунчалик бўлади, деб ўйламаганини айтмоқда.

Вертолётнинг қулаши натижасида икки учувчи ҳам оғир жароҳатланди.


Хўш, аслида вертолёт Диегонинг тошбўронидан қуладимикин? Мутахассисларнинг фикрича, йўқ. Бу шунчаки тасодиф холос. Диего тошбўрон қилган пайтда мотор ишламай қолган. Шунинг учун... Бу хабар «Орбита» (БХР) ҳафталигида эълон қилинган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЗАВОЛ КЎРМА, ҲЕЧ ҚАЧОН, ЎЛКАМ...

(СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР)

Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати.



I

ЖУМҲУРИЯТ ТАРИХИДА биринчи марта ғоят муҳим муаммолар ғоят катта масъулият билан муҳокама қилинган сессия якунланди. Лекин сессия ҳақидаги баҳслар, мунозаралар идораларда, уйларда, давра суҳбатларида давом этмоқда, яна давом этади ҳали. Ишчи-ю хизматчига, деҳқону алломага, ҳар бир парламент аъзосига чин ошкоралик сабоғи бўлган мазкур анжуманни унча-бунгача эсдан чиқариш қийин. Ҳатто, бир неча йиллардан кейин ҳам бу воқеаларни мийиғимизда кулиб эслаб юрсак керак...

«Одамлар ўзлари ишонган кишиларни депутат қилиб сайлай олдими? Улар парламентда халқ манфаатини ҳимоя қилишга қодирмилар? Ёки илгариги депутатлар сингари ким нима деса, ўшанга қўлини кўтариб кетишаверармикан?» Худди шундай ташвишли саволларни сессия арафасида ҳар қадамда эшитиш мумкин эди. Фуқароларнинг безовталигида жон бор эди, албатта. Лекин, мана энди, анжумандан кейин, ишонч билан айтиш мумкинки, сайловчиларнинг аксарияти номзод танлашда адашмаганликларига амин бўлдилар.

Сессияда қандай муҳим масалалар муҳокама қилингани барчага аён. Жумҳуриятимиз тарихида биринчи марта президентлик лавозими таъсис этилди, биринчи марта Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, кўп партиялиликка рухсат берилди, биринчи марта иқтисодий ва маънавий мустақиллик масаласи муҳокамага қўйилди. Ана шу масалаларнинг биронтаси ҳам тортишувларсиз, баҳсларсиз ўтмади.

Ўзбекистон Президентининг сайланиши жумҳуриятимиз тарихидаги энг йирик воқеалардан бири бўлди. Жаҳон президентлиги тарихида ҳеч қайси ҳукумат бошлиғи Ўзбекистон Президентичалик кўп овоз билан сайланмаган бўлса керак шу пайтгача. 462 депутатнинг 454 таси И. А. Каримов номзоди учун овоз берди. Халқ вакилларининг давлат бошлиғига бўлган чуқур ҳурмати ва катта ишончи белгиси эди бу.

Жумҳурият Министрлар Совети Раисини сайлаш ҳам илк марта муқобил номзодлар кўрсатиш асосида ўтказилди. Бу эса халқ депутатларига танлаб, ишониб сайлаш имкониятини яратди. Мазкур тажриба вазирларни тасдиқлашда ҳам қўллаб кўрилганда ёмон бўлмасди. Лекин, шунга қарамай, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳайъатини, жумҳурият Олий судини, турли ҳукумат комиссияларини сайлашда ошкораликка риоя қилинди. Ўзбекистон ССР адлия вазири, Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари ва Олий суд ҳайъати аъзоларидан бири тасдиқдан ўтолмай қолди... Ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги эса депутатлар «имтиҳони»дан аранг ўтишдики, бу ҳол эндиликда кимларнингдир тавсиялари билангина ҳукумат аъзоси бўлиб кетаверадиган вақтлар ўтиб кетганининг нишонасидир.

Тўғри, масъул лавозимга тавсия қилинганларнинг икки-учтаси депутатлар синовидан «йиқилиб» қолгани — бу сессиянинг катта ютуғи эмас, албатта. Бироқ, худди шу ҳол кўпгина мудроқ фикрли кишиларнинг кўзини очгани аниқ. Айни маҳалда, «имтиҳон»дан эсон-омон ўтиб олган вазирлар ҳам «иш битди — эшагим сувдан ўтди» қабилида елкасигача идорасидаги юмшоқ курсиларга ботиб, хотиржам ўтириб бўлмасликни англадилар. Маълум вақт ўтиб, яна халқ вакиллари сўроғига дуч келишлари мумкинлигини ҳис қилиб, елкаларидаги юкнинг залворини сезиб, зиммаларидаги вазифанинг масъулиятини тушуниб чиқиб кетдилар уларнинг ҳар бири мажлислар залидан. Биринчи сессиянинг ибратли томонларидан бири худди шунда — ҳукумат раҳбарларининг энди бамайлихотир, ялло қилиб юриб бўлмасликни англаб етганларида бўлди, чамаси.

II

КУН ТАРТИБИДАГИ бош масала — жумҳурият иқтисодий ва маънавий мустақиллиги эди. Мазкур масала юзасидан маъруза қилган Вазирлар Кенгашининг Раиси иқтисодиёт ва маънавият муаммоларини ҳар жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берди. Халқ турмуши фаровонлигини ошириш, жумҳурият иқтисодиётини юксалтириш борасидаги ютуқ ва камчиликлар, келгусидаги вазифалар рўй-рост кўрсатилди. Шу чоққача «давлат сири» ёрлиғи соясида халқдан ва, ҳатто, халқнинг ишончли вакиллари бўлган депутатлардан ҳам яшириб келинган фактлар илк маротаба очиқ-ойдин айтилди. Биз Ўзбекистон замини қаъридан қанча дуру-жавоҳирлар қазиб олинишини, улар жаҳон бозорида ва ўзимизнинг совет пулида қанчага туражагини билиб олдик. Мен бу ўринда жумҳуриятимиздан қазиб олинаётган олтин валюта билан ҳисоблаганда 790-910 миллион долларга тенг эканини, агар унинг ёнига кумуш, уран, мис, рух ва бошқа маъданларни ҳам қўшадиган бўлсак, 1 миллиард 700 минг сўмга тенглигини назарда тутаётирман. Худди шунингдек, жумҳуриятимизга четдан келтирилаётган маҳсулотлар қанчаю, бизнинг четга чиқараётган маҳсулотларимиз қанчалиги тўғрисида ҳам маълум тасаввурга эга бўлдик. Вазирлар Кенгаши Раисининг маърузаси ана шу фазилатлари билан ҳам қимматли эканинини яна бир карра таъкидлагим келади шу ўринда. Айни пайтда, мазкур масала билан боғлиқ айрим муаммолар охирига етмай қолдики, улар хусусидаги фикрлашувлар ҳали давом этади.

Тан олиш керак, мамлакатимизда жумҳуриятлараро иқтисодий алоқалар шу қадар мураккаблашиб, ўзаро занжирдек боғланиб кетганки, бу занжирни унча-мунчага узиш қийин. Қийин бўлгани учун ҳам аввалги сессияларда, мажлисларда бу масалага эътибор берилмаган бўлиши, қийин бўлгани учун илгариги депутатлар «эртагача худо пошшодир» қабилида иш кўриб кетаверган бўлишлари мумкин. Биринчи сессияда эса бу соҳада шунчалар кўп гапирилдики, бу гапларни эшитиб турган киши Ўзбекистон халқлари 6-7 кун ичида 72 йиллик орзуларига етдилар, яшасин, деб юбориши мумкин эди ҳатто. Аслида эса биз гапирдик, тортишдик, иқтисодий мустақилликка олиб борувчи йўлларга ишоралар қилдик, лекин дадил қадам ташлашга келганда журъатми, катъиятми ёки илгаридан мерос қолган марказий аппаратдан чўчишми, ишқилиб нимадир халақит берди. Жумҳуриятимизнинг асосий бойлиги — пахтачилик муаммосини ҳал қилиш пайтида яққол сезилиб қолди ана шу ҳадик.

Ҳаракатномада жумҳуриятимизда пахта етиштириш бундан сўнг тола ҳисобида 1,5 миллион тонна миқдорида белгиланиши кўрсатилган. Шу фактнинг ўзиёқ бир қарашда халқни беҳад руҳлантириб юборади, пахтакорга катта ғамхўрлик қилинаётгандек туюлади. Ҳақиқатда эса... Бир тонна пахтадан 330 килограмм атрофида тола олинади. Бир ярим миллион тонна тола эса 5 миллион тоннадан зиёдроқ пахта деганидир.

Сўнгги пайтларда, хусусан 1984 йилдан кейин пахта яккаҳокимлиги тўғрисида гапириш одат бўлди. Бир қанча раҳбарлар худди шу мавсум гуноҳкорлари сифатида айбландилар. Аслида эса бу касаллик бундан ўн-ўн беш йил илгари эмас, балки ўтган асрнинг иккинчи ярмида газак ота бошлаган эди. Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак 1886-1914 йилларда чор Россияси тўқимачилик саноатига Ўрта Осиёдан пахта етказиб бериш 42 марта кўпайгани аён бўлади. 1914-1924 йилларга келиб Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларига пахта экиш 41,5 фоиз ошган. Шунинг ҳисобига ғалла экиш қисқариб, дон танқислиги пайдо бўлган. Оқибатда 1927 — 1928 йилларда Ўрта Осиёга ташқаридан 500 минг тонна дон маҳсулотлари келтиришга мажбур бўлинган. Бу кўрсаткич 5 йилдан кейин 820 минг тоннага етган. Эндиликда жумҳуриятимиздаги барча суғориладиган ерларнинг деярли ярмига пахта экилмоқда. Ўзбек заминида етиштирилаётган жамики пахтанинг 90 фоизи қардош жумҳуриятларда қайта ишланади, қанча-қанча корхоналар, ишчилар ўзбек «оқ олтин»ига қараб турибди, уни қайта ишлаб, тирикчилик қиляпти. Шундай шароитда пахта экишдан воз кечиш тўғрисида гап очишнинг ўзиёқ кулгили. Лекин гап «монокультура» устида борар экан, жумҳуриятимизда пахта экиладиган майдонларни кескин тарзда қисқартирмасдан туриб мақсадга етишиб бўлмаслигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Сессия худди шу масала хусусида аниқ фикр айтиши керак эди...

ВАШИНГТОНДА жаҳон бозорида пахта толаси нархи билан боғлиқ таклиф ва талабларни ўрганувчи ташкилот бор. 48 мамлакат уюшган мазкур ташкилотга Совет Иттифоқи ҳам аъзо. Ташкилот пахтанинг бозордаги ҳолатини ўрганиб, ҳар 6 ойда бир марта статистик бюллетень нашр этади. Ана шу ташкилотнинг шаҳодат беришига қараганда, бир тонна ўртача толали пахтанинг нархи 1987-1988 йилда 1682 доллар, бир тонна узун толали (яъни ипак толали — Миср пахтаси) пахтанинг нархи 4005 доллар бўлган. Бозор, ўз оти билан бозор бўлгани учун унда барча маҳсулотлар сингари пахтанинг нархи ҳам гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб туриши тайин. Агар жаҳон бозоридаги пахтанинг ўртача баҳосидан келиб чиқиб, баҳо кўрсаткичларини мамлакатимизда амалдаги сўмга қиёслайдиган бўлсак, жумҳуриятда пахтанинг харид нархи 1,8 баравар оширилажаги деҳқон белига мадор бўлади. Бироқ бу ҳам ҳали кам.

Сессияда пахтани четга сув текинга чиқаришни чеклаш бўйича ҳам тегишли ҳужжат қабул қилиниши зарур эди. Етиштирилаётган пахта хом ашёсининг неча тоннаси ўзимизда қолади, неча тоннаси қардош жумҳуриятларга юборилади ва неча тоннасини валюта ҳисобида хорижий давлатларга сотамиз — ана шуларнинг ҳаммаси ўз ифодасини топиши керак эди қабул қилинмай қолган ҳужжатда. Фақат пахта эмас, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархини ошириш бўйича ҳам аниқ фикрга келиниши керак эди.

Маълумотларга қараганда, келгуси йилда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи янгидан белгиланади. Лекин қайси маҳсулотнинг баҳосига қанча қўшилиши ҳали-ҳозирча аниқ эмас. Аниқлари эса қониқтирмайди деҳқонни. Мисол учун, гапларга қараганда, тамакининг нархи (бир килограмми) 6 сўм 80 тийиндан 7 сўм 10 тийинга ошар эмиш. Бу йиғлаб турган боланинг қўлига битта конфет бериб овутишдан бошқа гап эмас. Негаки, тамакининг харид нархи Иттифоқимизнинг бошқа тамакикор ноҳияларида жумҳуриятимиздагига нисбатан икки-уч баробар ортиқ. Янги нархларни белгилашда адолатсизлик яна такрорланмаслиги учун нархларни белгилашда депутатлар ҳам иштирок этиши ва маълум тўхтамга келинганидан кейин нархлар лойиҳаси Олий Совет сессиясида муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқдир. Токи, тилло буюмларнинг баҳоси ошганини магазинлар орқали эмас, парламент орқали билиб олишсин одамлар.

III

СИРДАРЁМ, Амударём жоним жаҳоним менинг,
АМУДАРЁМ, Сирдарём — Ўзбекистоним менинг!

Ўзбекистон Президенти табиат бойликлари бизга омонат мерос экани, уларни бутунисича келажак авлодларга етказиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз экани ҳақида сўзлаётганида шоирнинг юқоридаги мисралари эсимга тушди, хаёлан Амударё ёқалаб, Орол бўйларига бордим. Ўтган йили «Новый мир» журнали экспедицияси билан Оролда кўрганларим — қум босган кемалар «қабристони», бир қултум ичимлик сувига зор қишлоқлар, қуриб-қовжираб ётган нимжон дарахтлар кўзим олдидан бирбир ўтди. Ўйланиб қолдим: пахта муҳимми, Орол? Жавоб тайёр — иккалови ҳам! Ҳар ҳолда, пахта танқислигидан қутулиш йўли бор, ҳеч бўлмаса бир пайтлар синовдан ўтганидек, бошқа жумҳуриятларда, мисол учун, Украинада пахта етиштиришни йўлга қўйса бўлар. Оролни эса, экин майдонларини қисқартирмай асраш гумон...

Орол фақат Ўзбекистоннинг, Ўрта Осиёнинг эмас, балки бутун жаҳоннинг дарди бўлиб турибди ҳозир. Бундан ўн йилча муқаддам унинг қуриб, жон таслим қилаётганини денгиз бўйидагилару, айрим идоралардаги тўралардан бошқалар билишмас эди. Яшириб келинар эди бу фожиа элдан. Шу боис у пайтлардаги айрим одамларни тушуниш, кечириш мумкиндир, эҳтимол. Лекин бугунги кунда Орол фожиасидан бутун ер юзи халқлари бохабар. Уларнинг ҳаммаси умид билан кузатиб турибдилар бизнинг ҳатти-ҳаракатларимизни. Ана шундай бир пайтда фожианинг олди олинмас экан, ҳеч ким кечирмайди бизни, гуноҳга ботамиз. Оролнинг икки қон томири узилди — Амударё билан Сирдарё денгизга етмай, етолмай бўзлаб қолдилар. Уларнинг ҳолидан хабар оладиган инсон қолмади. Ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳар битта дарё маълум ташкилот томонидан қўриқланади. Бизда ҳам шундай идоралар мавжуд. Масалан, Амударёни қўриқлаши лозим бўлган идора Урганчда. Лекин унга Туркманистон бўйсунмайди, Сирдарёни муҳофаза қилиши лозим бўлган (Тошкентда) идорани эса Қозоғистон ҳам, Қирғизистон ҳам менсимайди, ўз билганларича, ўзлари истаганларича талайверадилар улар дарёни! Ўрта Осиёдаги 50 дан ортиқ омборларда тўпланиб ётган сувни Орол сари оқизиш эса ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Денгизга сув тушаётгани йўқ, қуриб боряпти Орол! Биз бўлсак, «Оролни асрайлик!» дея аюҳаннос соляпмиз. Экин майдонлари озайгани йўқ, пахта майдонлари жуда кам миқдорда қисқарди, хўш, бу аҳволда қандай қилиб қутқариб қоламиз Оролимизни? Сибирь дарёлари ёки Каспий сувини келтирибми? Қачон, денгиз тамом бўлиб, Ўрта Осиё ҳалокатга юз тутгандами?! Халқнинг минг-минглаб маблағи ҳисобига яшаётган, ишлаётган, айнан шу соҳага масъул мутахассислар қачон айтадилар аниқ фикрларини?!

IV

«ИТТИФОҚ органлари қўллайдиган қонунлаштирилган ҳийла-найранглар, ҳисобга олишнинг бу айёрона оқибатида Ўзбекистон ССРни бир неча йил давомида дотацияли жумҳуриятлар қаторига тушириб қўйди. Содда қилиб айтганда, Ўзбекистон сунъий равишда қашшоқ жумҳуриятга айлантирилган ва ҳар йили «саховат» юзасидан унга Иттифоқ ғазнасидан пулли ёрдам ажратилиб, унинг халқи хайр-эҳсон ҳисобига яшовчи қилиб кўрсатилди».

Ш. Р. Мирсаидов маърузасидаги бу ҳаққоний сўзларда катта ҳаётий ҳақиқат бор. Худди шу ҳийла-найранглардан иборат қонунлар, айёрликлар оқибатида Ўзбекистон йилига 2—3 миллиард сўм хайрия олиб яшовчи жумҳурият деган таъна-дашномларга гирифтор бўлди. Ваҳоланки, жумҳуриятимиз ҳар йили Иттифоқ фондига 9 миллиард сўмга яқин фойда келтиргани ҳолда, ўзи субвенция тариқасида бор-йўғи шунинг 3,1 миллиардгинасини олаётган, қолган 6 миллиардини бериб келаётган жумҳурият энди бу Ўзбекистон! Бугун ошкоралик даврида ўзининг иқтисодий ва маънавий мустақиллигига эришмас экан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини аниқ қилиб белгилаб олмас экан, узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган адолатсизликлар бундан кейин ҳам давом этмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу боисдан ҳам давр биздан нарвонга тезроқ чиқишни, илтимос қилишни эмас, талаб қилишни, тўғри ва ҳаққоний талаб қилишни кутмоқда.

Қатъий талаблар орасида жумҳуриятимиздан олиб чиқиб кетилаётган нарсаларни тартибга солиш шартлари ҳам бўлиши керак. Чорвадорлар бир пақир кунжарага зор бўлиб турган бир пайтда кунжараю шелухаларни вагон-вагонлаб четга жўнатиш адолатсизликдан бошқа гап эмас. Биринчи галда туб аҳоли эҳтиёжларини қондириш, агар улардан ортиб қолса, кейин бошқаларга улашиш лозим. Мева-чеваларни ташиб кетиш борасида ҳам худди шундай йўлдан бориш керак. Бозорда бир килограмм узум ўн, ўн икки сўм бўлиб турган пайтда уни олисларга олтиб 6 тийиндан сотиб (буни сотиш деб ҳам бўлмайди!) келиш ҳеч қайси соҳибкорга наф келтирмайди.

Жумҳурият ҳудудидаги барча бойликлар, жумладан, корхонаю идоралар ҳам шу ўлканики бўлиши иқтисодий мустақилликнинг биринчи белгиларидандир. Ўзбекистонда Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар оз эмас. Иттифоқ ихтиёридаги саноат корхоналаридан келадиган фойданинг бешдан тўрт қисми марказга кетади. Бу ноқонунийликка барҳам берилмас экан, икки қўлимизни бурнимизга суқиб қолаверамиз.

Молиявий-бюджет тақсимотида ҳозиргача мамлакатимизда шундай қоида жорий этилганки, сенинг бойлигинг ўзгалар ихтиёрига кўра тақсимланади. Бир маҳаллари Олтин Ўрдага ўлпон йиғиш усулига асосланган сталинча бу қоидани янгилаш, ҳар бир жумҳуриятга ўз бойлигига эгалик қилиш ва хазинасидаги маблағни ўз хоҳиш-иродасига кўра тақсимлаш имконини яратиш пайти аллақачонлар келган. Бунинг учун жумҳурият банки ва молия системаси тўла ҳуқуқли мустақилликка эга бўлиши зарур. Шундай қилинмас экан депутат Ш. Нусратов ҳақли эътироз билдирганидек, марказдаги тегишли идоралар истаган пайтларида чўнтагимизни қоқлаб қўяверадилар, миқ этолмай, қуллуқ қилиб ўтиравераммиз.

V

АЁНКИ, сўнгги пайтларда жумҳуриятимизда сезиларли ўзгаришлар содир бўлди: 1,5 миллион оила шахсий томорқаларини кенгайтириб олди, пахтага қўшимча ҳақ жорий этилди, 1-синфдан 5-синфгача бўлган болаларни бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилмоқда...

Аммо, айни маҳалда, айрим ноҳияларда турли миллат вакилларининг низоли, қонли тўқнашувлари ҳам юз берди. Фарғона, Бўка, Паркент воқеаларининг ҳар бири юракларда ўнлаб чандиқлар қолдирди...

Сезяпсизки, гап миллий муносабатлар муаммосига тақалмоқда. Беҳад нозик бу масала тўғрисида фикр юритганда жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатга мансуб кишилар бир-биримизни ҳурмат қилишимиз, миллий хусусиятларимизни бўрттирмаслигимиз, салбий ҳодисаларга эрк бермаслигимиз, қийинчиликларга дадил пешвоз чиқишимиз ва кескинликни бартараф этиш учун барча чораларни кўришимиз лозим бўлади.

Миллий доирадаги муаммолар бирданига пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг илдизлари чор Россияси империяси даврига бориб тақалади. Миллатларни бир-бирига қўшиб юборишдек ўша пайтда бошланган ярамас ҳаракат кейинчалик сурункали дардга айланди. Бу ҳол, афсуски, Совет давлати томонидан ҳам ҳуқуқий, социал-иқтисодий ва мафкуравий мадад олди. Барча соҳалардаги сингари кадрлар масаласида ҳам социал адолат принципларига риоя қилинмади. Кадрлар қаердан, қайси миллатдан қанча вакил яшашига қараб танланиши керак. Шу тўғрида гапирганлар миллатчи бўлиб кўринадиган бўлди. Ҳатто бугун, сессия пайтида ҳам ана шу масалага бир ёқлама қараш аломатлари сезилди. Олий суд раисининг ўринбосари ва суд аъзоларидан иккитаси тасдиқдан ўтолмай қолганида, қорақалпоғистонлик депутатлардан бири дарҳол туриб, ўтмай қолганларнинг иккитаси рус, биттаси қозоқ миллатига мансуб кишилар эканини эслатди ва депутатларни ҳушёрликка чақирди. Ваҳоланки, сессияда айнан шу масала ҳар томонлама одилона ҳал қилинган, номзодлар ҳамманинг кўзи олдида қилмишларига яраша муносиб баҳони олган эдилар. Олий Кенгаш Раисининг биринчи ўринбосари, Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари рус миллатига мансуб кишилардан бўлган бир пайтда, сайланган вазирлар орасида бир неча миллат вакиллари бўлган бир пайтда бундай фикрнинг туғилиши ноўрин эди. Ваҳоланки, жумҳуриятимиздаги жами аҳолининг 70 фоизини ўзбеклар ташкил этишини яхши биламиз. Лекин жумҳурият миқёсидаги идоралар хизматчиларининг қанчаси қайси миллатга мансуб эканлиги ноаён. «Менинг юрагимда жумҳуриятда эмас, балки она сайёрамизда яшаётган бирорта миллатга заррача гина, адоват йўқ. Лекин бир нарсани сира тушунолмайман: нима учун Ўзбекистонда Марказқўмдан тортиб ноҳияқомгача бўлган фирқа ходимларининг иккинчи котиблари доимо рус ўртоқлардан қўйилади, нима учун вазирларнинг биринчи ўринбосарлари рус биродарлардан қўйилади. Бирор қонунда кўрсатилганми бу?» Самарқандлик депутат Жўраевнинг ана шу сўзлари бундан икки-уч йил олдин эшитилганида унинг тақдири нима бўлиши маълум эди. Сессия қатнашчилари эса бу эътирозни тўғри англадилар.

Ҳар бир халқда донолар ҳам, нодонлар ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Бир-икки муттаҳамни деб бутун халқни айблаш — жиноят. Уларга ишонмаслик эса ундан ҳам баттар. 1984 йилдан кейин Ўзбекистонга нисбатан ана шундай ишончсизлик пайдо бўлди. Шу йиллар ичида озмунча раҳбарлар келиб-кетишмадими? «Пахтакор»га ўйинчи, «Ўзбекфильм»га актёр керак бўлса четга югурилганидек, ноҳияга раҳбар қидириб ҳам бошқа жумҳуриятларга қараб зир чопдик. Тўғри, келганлар орасида инсофли, диёнатлилари ҳам бор эди, албатта. Ишимизга баҳоли-қудрат ёрдам беришди улар. Аммо ёрдамчилар орасида шундайлари ҳам бор эканки, улар ҳаромхўрликда шайтонни ҳам ярим йўлда қолдириб кетишди. Жумҳуриятимизда миллий низоларнинг кучайишига, одамларда марказга нисбатан норозилик кайфиятлари туғилишига сабаб бўлишди ундайлар. Жумҳурият ички ишлар вазирлигининг собиқ ўринбосари Дидоренко ва жумҳурият прокурорининг собиқ ўринбосари Гайдановни эслайлик. Улар сира иккиланмай ҳамма ўзбекларни ўғри, порахўр деб ҳақорат қилишди. Шундай кимсаларнинг калтабинлиги оқибатида, ҳатто пахта теришга ҳашарга борганларгача ҳибсга олинди. Қашқадарё вилоятининг «Таллимаржон» совхозида худди шундай бўлди. Айнан шундай хизматлари учун Гайданов «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Ўша йиллардаги кўпгина ноҳақликларга бош бўлган жумҳуриятимизнинг собиқ прокурори Бутурлин эса «Меҳнат Қизил Байроқ» орденига сазовор бўлди, КПСС XXVII съезди делегатлигига сайланди. Лаптев, Дидоренко, Галкин сингари нопок кимсалар бўлса бугунги кунда бошқа жумҳуриятларда ўйнаб-кулиб, ишни давом эттиришмоқда. Бундай кўнгилсиз фактлар четдан кадр чақириш усули мутлақо ўзини оқламаганини кўрсатади. Шундай қилинганда бир жиҳатдан миллий низолар кескинлашувининг олди олинса, иккинчи томондан, сунъий демографик ўсишга чек қўйилади. Маълумки, сўнгги пайтларда «Ўзбекларда туғилиш кўп, улар Иттифоққа боқиманда бўлиб қоляптилар» деган халқимиз шаънига ярашмаган таҳқиромуз таъналар бўлди. Лекин Ўзбекистон аҳолиси турли баҳоналар билан четдан одам чақириш ҳисобига ҳам кўпайиб бораётгани ҳақида лом-мим дейилмади.

Маълумотларга қараганда, сўнгги йигирма йил мобайнида биргина Тошкент шаҳрида туб миллатга мансуб бўлмаганлар сони — 1,4—2 баравар ошган. Худди шу шаҳарда Улуғ Ватан урушидан аввал маҳаллий аҳоли қарийб 90 фоизни ташкил этган, эндиликда бу кўрсаткич 42 фоизга тушиб қолди. Гоҳ кадрлар «танқислиги», гоҳ ишчи кучи етишмаслиги баҳоналарида ёрдамчи ёллайверишнинг оқибати бу! Ваҳоланки, худди шу йиллар ичида жумҳуриятимизда ишсизлар сони 1 миллиондан ошди.

Мазкур фактлар жумҳуриятимизда Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисида қонун қабул қилишнинг кечиктириб бўлмаслигини кўрсатади. Фикримча, Олий Кенгаш сессияларининг навбатдаги мажлисида айнан шу масала муҳокама қилиниши керак. Унгача жумҳурият Марказий статистика бошқармаси жумҳуриятимизда демографик ўсишнинг урушдан аввалги ва кейинги йиллардаги ҳолатини кўрсатувчи рўйхатни матбуотда эълон қилиши лозим. Жумҳуриятда қурилаётган йирик корхоналарни битказиб бўлганидан кейин ишчи-мутахассислар қидириш усули ҳам вазиятни кескинлаштиришдан бошқа нарсага сабаб бўлмайди. Бу эса қурилаётган ва қурилажак корхоналарни аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига қараб бунёд этишни тақозо қилади.

VI.

ОЛАМДА ФАРЗАНД доғидан азоблироқ дард бўлмаса керак. Суюб-ардоқлаб ўстирган нуридийдангни Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этсин, олам кўриб, оққорани таниб, чиниқиб келсин деган умидда ҳарбий хизматга жўнатсанг-у, фарзандинг иркит кийимларда лой қориб, олис Сибирь ўрмонларида дарахт кесиб юрса. Аскар боланг тишлаб кетган нонни ўпиб, тунлари бедор унга келинчак қидирсанг-у, у томонда болангни «оқсоқоллар» кўрпага ўраб тепкилаётган, қип-яланғоч қилиб баданига папирос чўғини босишаётган бўлса. Эрта-индин аскарим келади, тўй қиламан деб турганингда уйингга тобути кириб келса... Бир йил ичида 430 оила ана шу азобга дучор бўлди, қон йиғлади муштипар оналар. Шунинг учун ҳам сессия кун тартибидаги «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш масаласи муҳокамаси бошланиши билан залдагилар, хотиржам ўтиролмай қолишди. Ҳарбий қисмлардаги тартибсизликлар безориликлар, жиноятчиликлар тилга олинганида депутат оналарнинг кўзлари ёшга тўлди. Масала атрофлича муҳокама қилинди, фойдали таклифлар айтилди, аммо ҳужжат қабул қилишга келганда яна сусткашликка йўл қўйилди. Ҳужжатда ҳарбий хизматдан ўлиб келган йигитларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзларни ва қурилиш батальонларида хизмат қиладиган йигитларни Ўзбекистонда ёки Туркистон ҳарбий мавзеида қолдириш ҳақидаги таклифни демаса, амалдаги қоидага ўзгартиришлар киритилмади ҳисоб. Бу масалада, энг аввало, ўтган йили тобути келган 430 йигитнинг ўлими сабабларини ўрганувчи депутатлар комиссияси тузилиши керак эди. Қурилиш батальонларида хизмат қилувчиларни жумҳурият ёки Туркистон ҳарбий мавзеси ҳудудида қолдириш масаласи ҳам тўлиқ ҳал қилинди деб бўлмайди. Биринчидан, бундай қисмларга аскарлар қайси усулда танланади? Рус тилини билиш-билмаслигига қарабми? У ҳолда рус тилини билиш йигитлар учун жазо вазифасини ўтаб қолмайдими? Қолаверса, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ярми рус тилини билмаслиги мумкин. У ҳолда нима бўлади, шунча аскар йигитнинг Ўзбекистонда қолишига рухсат берадими Иттифоқ Мудофаа вазирлиги? Йигитларнинг қолган ярми ҳам бугунги ҳарбий техника билан муомала қиладиган даражада тил биладилар, деб бўлмайди.

Мазкур масалани оқилона ҳал қилишнинг ягона йўли барча йигитларни, қайси ҳарбий қисмга мансублигидан қатъий назар, Ўзбекистон ёки Туркистон ҳарбий мавзеси ҳудудида қолдиришдир. Шунга эришилмас экан кўнгилсизликлар тугашига ишониш қийин. Туркистон ҳарбий мавзеси раҳбарияти сафида ўзбекларнинг йўқлиги, жумҳуриятимиздаги ҳарбий билим юртларида ўзбек йигитлари саноқли эканлиги — булар Ўзбекистонда миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш ишига панжа орасидан қараб келинганини исботлайди. Бундай хатоларни тузатиш учун эса ёшлар ўртасида тушунтириш ва тайёргарликни кучайтиришдан ташқари жумҳурият ҳарбий комиссари ва маъмурий идораси Тошкентда жойлашгани учун Туркистон ҳарбий мавзеси қўмондони Ўзбекистон Президентига бўйсунадиган бўлиши ва улар Олий Кенгаш сессияси тасдиғидан ўтадиган бўлиши лозим. Шундай қилинмас экан, ҳарбий хизматга чақирилувчи йигитларимиз тақдирини ҳеч қачон ўзимиз ҳал қилолмаймиз.

УЙҒОНИШГА, ҳақ-ҳуқуқларни таниш, талаб этишга даъват руҳидаги халқ депутатларининг биринчи сессияси якунланди. Қиёмига етган ва етмай қолган масалалар кўп бўлди унда. Қолаверса, бир анжуманда барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин ҳам эмас. Энг муҳими, депутатларимиз, айниқса халқ орасидан чиққан оддий кишилар ҳар жиҳатдан бошқалардан устун эканликларини кўрсатишди. Ҳар бир масалага фаол аралашдилар, фикрларини айтдилар, таклифлар киритдилар, талаблар қўйдилар.

Залдаги бешта микрафоннинг олди ҳамиша сўзловчилар билан тиқилинч бўлдики, шунинг ўзиёқ қувончли ҳолдир. Тўғри, уйга қайтиб боргач, сайловчиларнинг «оғзингга талқон солиб бордингми?» — деган таъналарини эшитмаслик учунгина микрафонга келганлар ҳам бўлди, албатта. Жумҳурият тақдири билан боғлиқ қонунлар қабул қилинаётган пайтда биров ҳукумат аъзоларидан трактор сўради, биров қишлоғидаги автобус қатновини яхшилашни илтимос қилди...

Муҳими бу эмас — кўпчиликнинг чуқур фикрлай олиши, халқ дарди билан ёна билишида. Шундайларни ўйлаганда келажакка ишонгинг ва ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрларини айтгинг келади:

Завол кўрма, ҳеч қачон, ўлкам,
Завол билмас шу ёшинг билан.
Музаффар бўл, ғолиб бўл,
Ўктам,
Дўсту-ёринг, қардошинг билан.
Асрларнинг силсиласида
Боқий тургай қошонанг сенинг.
Улуғ совет оиласида
Мангу ёруғ пешонанг сенинг.
Мангу ёруғ масканим, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.



«Ташсельмаш» заводининг шуҳрати бугунги кунда қишлоқ хўжалиги равнақи йўлида ишлаб чиқилаётган турли хусусли техникалар, пахта териш машиналари билан белгиланади. Бироқ, бу ҳаммаси эмас. Мамлакат бошига оғир фалокат тушган, уруш йиллари завод Ватан мудофааси учун зарурий қурол-яроғлар ишлаб чиқаришда ялловбардор бўлди. Урушнинг дастлабки даврида бу ерда 82 миллиметрли миномёт фронтга жўнатилган эди.

Ишчилар тунни тонгга улашди. Ҳарбий мутахассислар бошчилигида махсус конструкторлар гуруҳи тузилди. Карл Маркс номли Ленинград, Климов заводларига ҳарбий анжомлар, қисмлар етказиб берилди.

Шунингдек мамлакат ичкарисида иқтисодий аҳволни мустаҳкамлаш борасида ҳам эътибор сусайтирилмади. Деҳқонга кўмак техникалар ўлкамиз экинзорларига кунба-кун юбориб турилди.

Айни чоғда завод остонасидан ҳатлашингиз билан уруш даврида фидокорона меҳнат қилган 78 ишчи хотирасига ўрнатилган ёдгорликка кўзингиз тушади.

СУРАТДА: Ташсельмашчиларнинг яшаш мавзеси.

Б. ЮСУПОВ сурати.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КОНКУРСИ

Самарқандда ўтказилган «Менинг биринчи китобим» конкурси ёш истеъдодларни излашга қаратилган. Конкурсда адабий қобилиятга эга бўлган истеъдодли болалар аниқланди. Конкурснинг ташаббускори бўлган Боғишамол ноҳия комсомол қўмитаси турли олимпиадаларда ҳукмрон бўлган анъанавий шаклларидан фарқли равишда, шу беллашувда иштирок этишни истаган барча мактаб ўқувчиларини, адабиёт соҳасида дастлабки қадамларни қўяётганларнинг ҳаммасини таклиф қилди. Болалар ўз асарларини ўзбек, тожик ёки рус тилларида тақдим этишлари мумкин эди, жанрлар доираси ҳам чекланмади — шеърлар ва ҳикоялар, қиссалар ва ҳатто романлар ҳам қабул қилинди.

Ишларни СССР Ёзувчилар уюшмаси маҳаллий бўлимининг, совет маданият фондининг вакиллари, Самарқанд дорилфунунининг ўқитувчилари, журналистлардан иборат ҳайъат баҳолади.

Ҳайъатнинг якунловчи мажлиси деярли тўрт соат давом этди. Конкурс якунига кўра, биринчи ўринни бир йўла саккиз иштирокчи эгаллади. Ҳаммаси бўлиб эса, асарлари, айниқса, муваффақиятли чиққан ва эълон қилишга арзийди, деб топилган ўн олти бола соврин олди. Бу асарлардаги оламни беназир идрок этиш, мустақил тафаккур, у ёки бу ҳодисага баъзан мунозарали бўлса-да, муаллифнинг ўзигагина хос нуқтаи назар билан қараш эътиборни жалб этади.

Чунончи, 24-мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Таня Букловская ўз китобини «Болаларга жониворлар тўғрисида» деб атаган. Китобга кичик дўстларимиз бўлган жониворлар тўғрисидаги тўртликлар киритилган. Қиз ўз асарига ўзи суратлар чизган. 37-мактаб ўқувчиси Антон Духовни фантастика роман ёзган ва унинг «Қуёш кўринмайдиган сайёра» ҳикояси китобхон хаёлини космик оламларга етаклайди. 34-мактаб ўқувчиси Д. Маслов билан 37-мактаб ўқувчиси О. Мишчукни ёшлар ўртасидаги гиёҳвандлик муаммолари ташвишга солади — уларнинг ҳикоялари шу мавзуга бағишланган.

24-мактабда ўқийдиган саккиз ёшли Эркин Умаров конкурснинг энг ёш иштирокчиси бўлди. У олти ёшидан бошлаб дўстлик, она, табиат тўғрисида, ўз тенгдошлари ҳақида шеърлар ёзади. Бола ўз тўпламини «Ойна» деб атаган. У тўпламини шундай номлаганини теварак-атрофдаги ҳаёт унинг учун катта дунёга очилган ойна эканлиги билан изоҳлади. Эркиннинг китобчасида ҳам суратлар кўп, лекин бола бу расмларни чизишда унга катта опаси ёрдамлашганини яширмай тан олди.

Ҳар бир асар, деб таъкидлашди конкурс ташкилотчилари, болалик ва ўсмирлик оламига, катталар доим ҳам жиддий қабул қилавермайдиган, лекин ҳис-ҳаяжонлар ва зиддиятларга тўла, эҳтирослар тўлиб-тошадиган, меҳр-мурувват ва шафқат ҳисларини туғдирадиган оламга кенг очилган ўзига хос ойнадир.

Хуллас, «Менинг биринчи китобим» конкурси ёш истеъдод соҳибларининг ижодий имкониятларини кўригигина эмас, шу билан бирга иқтидорли болалар билан ўзига хос мулоқотнинг бошланиши ҳам бўлди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.
Самарқанд.

МИТТИ НАШРЛАР

Коллекционер Эдуард Манашеров билан учрашув Тошкент мактаб ўқувчилари учун китоблар оламига қизиқарли саёҳат бўлди. Бу учрашувга болаларни Беруний номли болалар кутубхонаси таклиф қилди. Техника фанлари номзоди Э. Манашеровнинг коллекцияси одатдаги коллекцияларга ўхшамайди. Ундаги 1150 экспонат — митти китобчалардир. Ўзбекистонда нашр қилинган митти китобчалар орасида эса Навоий ва Паҳлавон Маҳмуд, Фурқат ва Ҳамза, Муқимий ва Зулфия каби шоирларнинг асарлари бор, митти нашрлар маҳорат билан ишланган. (ЎзТАГ).

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИБ

ЛЕНИНСК шаҳридаги Андижон «Хлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг молиявий режаларида меҳр-мурувват ҳаракатига доир бандлар мустаҳкам ўрин олди. Меҳнат жамоаси кенгашининг қарорига биноан бирлашма бу йил болалар уйларидаги кичкинтойлар ҳамда вилоятдаги мактаб-интернатларнинг ўқувчиларига амалий ва моддий ёрдам кўрсатиш учун 250 минг сўм пул ажратади.

Ленинск пахта тозаловчилари илгарилари ҳам етимларга оталик қилишарди. Улар ўзларининг тўртта «Нива» енгил автомашиналаридан биттасини болалар уйига ва учтасини ёрдамчи мактаб-интернатга совға қилишганди.

Бирлашма ходимлари жумҳурият телевиденьесида яқинда ўтказган узлуксиз Меҳр-мурувват марафонида ҳам четда қолмадилар, унинг ҳисобига 35 минг сўм ўтказишди. Бу пулни бир кунда 25 минг сўми эшиттириш бўлган кун топширишди.

* * *

САМАРҚАНДДА меҳр-мурувват куни ўтказилди. Саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ходимлари шу куни ўнта автобусда бу ердаги кексалар ва ногиронлар интернатига келишди, улар совғалар олиб келишганди. «Коноп» заводи кийимлар, мебель фабрикаси сочиқлар, кимё заводи билан 2509-автобаза шприцлар, совхоз базаси олмалар совға қилишди. Самарқанд шаҳар ижроия қўмитаси «Меҳр-мурувват куни»нинг ташаббускори бўлди.

(ЎзТАГ).

Миш-миш—келтирар ташвиш

Ўзбекистон ССР Олий кенгашининг ҳайъати «Жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди. Ана шу Фармон бугунги кунда қандай амалга оширилаяпти? Жамоатчи мухбиримиз жумҳурият Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. РАҲИМОВ билан суҳбатлашди.

— Ғофур Раҳимович, Фармон қабул қилинганига икки ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Унинг самараси сезиляптими?

— Аввало Фармон ҳақида айрим мулоҳазаларимни билдирсам. Кейинги пайтларда юртимизда оғир фожеаларга сабаб бўлган турли миш-миш ва уйдирмаларга ўз вақтида зарба берилмади. Иғво тарқатувчи шахслар аниқланган тақдирда ҳам уларга нисбатан бирон-бир чора кўриш қийин эди. Чунки тинч аҳоли кўнглига ғулғула солаётган кимсалар бировлардан эшитганини айтганини ўзидан ҳеч гап қўшмаганини айтиб қутилишга уринарди. Олий кенгаш ҳайъати чиқарган Фармон иғвогарона овозаларни тарқатиш билан шуғулланаётганларга қаттиқ зарба бўлди.

— Фармонда кўзда тутилган чоралар миш-мишчи ва иғвогарларни тўхтатиш учун етарли бўлармикан?

— Шуни айтиш керакки, ҳар қандай қонун ижроси билан кучли. Халқ қўллаб-қувватлаганда кучли. Шу ўринда бир ҳикматни эслатиб ўтмоқчиман. Бир замонда подшо иғвогарга қандай жазо бериш керак? — деб сўрабди. «Уламолар эшитганнинг қулоғини кесиш даркор», деб жавоб берибдилар. Токи ғаламиснинг гапига ҳеч ким қулоқ осмасин. Дарҳақиқат, ақли расо одам ҳеч қачон миш-миш ва иғво гапларга қулоқ солмаслиги, ишонмаслиги керак.

Энди Фармонга келсак, 1, 2, 3 моддаларда бундай шахсларга қандай чоралар кўрилиши аниқ айтилган.

— Яхшиси, улар ҳақида яна бир бор тўхталсангиз!

— Фармоннинг биринчи моддасида ур-йиқит қилишга ва фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват қилувчи, шунингдек жамоат тартибига ёки одамларнинг хавфсизлигига таҳдид этувчи, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришга қаратилган қўлёзма, босма, видеотовуш шаклидаги материалларни тайёрлаганлик, сақлаганлик, уларни тарқатганлик учун 200 сўмдан 500 сўмгача жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизи давлат ҳисобига ушланиб, икки ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ёхуд материалларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларни мусодара қилиш билан 10 кунгача маъмурий қамоққа олиш билан жазоланади. 2-моддасида ана шу мақсадда миш-миш ва сохта уйдирмаларни тарқатиш 500 сўмгача миқдорда жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиш шарти билан бир ойгача ахлоқ тузатиш ишларига ёки 15 кунгача маъмурий қамоққа ҳукм қилиш билан жазоланади. 3-моддада эса бундай хатти-ҳаракатларни бир йил мобайнида такрорлаган ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилса, шунингдек унга балоғатга етмаганлар жалб қилинса, 500 сўмдан 1000 сўмгача жарима солиш, 15 кунгача маъмурий қамоққа ҳукм қилиш билан жазоланиши кўрсатилган. Юқорида айтганимдек, бу чоралар жуда енгилдай туюлиши мумкин. Бундай фикрлайдиган кишиларга Фармондаги тўртинчи моддага қарашни тавсия қилардим. Унда ушбу Фармоннинг 1, 2, 3-моддаларида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар содир этилганда оғир-оқибатлар келтириб чиқарса, амалдаги қонунларда кўзда тутилганидек жиноий жавобгарлик қўлланиши айтилган.

— Хуллас, миш-мишчи, уйдирмачилар тегишли жавобгарликка тортиладиган бўлибди. Унда яна бир масалага ойдинлик киритишда ёрдам берсангиз. «Ур-йиқитга даъват этадиган, ваҳима солувчи варақаларни, турли-туман узунқулоқ гапларни маҳаллий миллат вакиллари тарқатяпти» деган гаплар ҳам юрибди. Шу тўғрими?

— Бу мутлақо нотўғри, оёғи билан эмас, тили билан юрадиган, халқлар орасига нифоқ солаётганлар ўртасида ҳар хил миллат вакиллари учрайди. Масалан, Фарғона шаҳридаги марказий универсал магазинининг катта сотувчиси украин аёли директори билан келишолмай қолгач, унинг «таъзири»ни бериш мақсадида магазин ойналарига русларга қарши варақалар ёпиштириб чиққан. Чин кўнгилдан ўз айбига иқрор бўлиб бу қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлгани учун у жавобгарликдан қутилиб қолди. Наманган шаҳар Совет ноҳиясида яшовчи рус аёли хат қутисига ташлаб кетилган бир варақдаги сўзларни ўқиб, ўзини йўқотиб қўяёзди. «Ваҳобийлар» деб имзо чекилган хатда унга кўчиб кетиш учун муҳлат қўйилган эди. Акс ҳолда унинг хонадони бошига кулфат ёғилиши ҳам писанда қилинган эди. Милиция ходимлари барча ишларини йиғиштириб қўйиб, сохта «Ваҳобий»ни аниқлашди. Бу шу аёлнинг ён қўшниси татар миллатига мансуб бўлган Рафаэль деган йигит экан. Хатни 10-синфда ўқиётган синглисига айтиб ёздирганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, аввал икки хонадон ўртасида муроса қолмаган экан.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи арман аёли олган хатда ундан 5 минг сўм талаб қилинган, агар у бу пулни бермаса, болаларига жабр бўлиши айтилган эди. Қидирув ходимлари бу дўқ-пўписанинг эгаси ҳам шу аёлнинг қўшниларидан бири рус йигити Гарбатов эканлигини аниқлади.

— Ўтган вақт мобайнида шу Фармон асосида кимларга чоралар кўрилди?

— Озарбайжон жумҳуриятидаги 4-механизациялашган кўчма колонна таъминотчиси Усмон Гусейнов Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналаридан бирида бошқа миллат вакиллари шаънига бўлмағур сўзлар ёғдирди. Сиёб ноҳия халқ суди тилига эрк берган беадаб меҳмонга 500 сўм миқдорида жарима солди. Самарқанд вилоятидаги ремонт-қурилиш участкаси ишчиси Умар Сатторов ҳам икки ой давомида иш ҳақининг 20 фоизини энди давлат ҳисобига ўтказадиган бўлди.

6 март куни Оққўрғон ноҳия милиция идорасига қўлида варақа билан Воробьева деган аёл кириб келди. Варақада унга кўчиб кетиш кераклиги айтилган эди. Текширишда варақани шу ноҳиядаги мактаб ўқувчиси Присухин ёзгани аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, бу Фармоннинг қабул қилиниши биринчидан, ҳар хил уйдирма, дўқ-пўписалар тарқатиш ниятида юрганларни ақл билан иш тутишга чақирса, иккинчидан бундай миш-мишлар бундан буён қонун олдида жавоб бериш лозимлигини уқтиради.

Ғ. БОЛТАБОЕВ суҳбатлашди.



Саволлар беринг!

Қайси саволлар жавобсиз қолди

Ўтган ойда «Мулоқот»га 390 та хат ва открытка келди. Уларнинг ҳар бири «қанақа...», «нега...», «ростми...», «газета орқали жавоб берсангиз» каби жумлалар билан тугаган. Яна таъкидлаб айтамизки уларнинг жуда кўпчилиги мантиқсиз саволлардир. Буларни билиш учун ўқувчи сал жон куйдириб, кўпроқ ўқиса, билимини оширса ўзи бемалол жавоб топа олади.

Гурланлик Нилуфар Дўсчанова, сирдарёлик Карим Жўраевлар илгари «Мулоқот»да Италияда ишланган «Спрут» фильмининг навбатдаги серияларини қачон телевидение орқали кўрсатилиши ҳақида маълумот берган бўлишимизга қарамай яна шу саволни қайтаришган. Улар рўзномамизни ўз вақтида ўқиб борсалар албатта бунга жавоб топган бўлур эдилар. Кўплаб муштарийларимиз чет эл саёҳатини орзу қилишиб, бунинг учун кимга мурожаат қилишни билишмаслигини ёзишган. Биз уларга қуйидаги маслаҳатни берамиз. Жумҳуриятимиздаги ҳар бир вилоят комсомол қўмитаси қошида «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси мавжуд. Чет элга боришни хоҳловчи йигит-қизлар ўша ташкилотга бемалол мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳақда рўзномамизда бир неча бор маълумот берилган.

Бундан ташқари «Нега телевизорда ҳинд фильмларини намойиш қилишмайди?», «Учар ликопчада келганлар ўзбек тилини қаердан билади?», «Тилланинг нархи тушадими?», «Менга Шералини адресини юборсангиз» каби илтимос ва бошқалар учун тааллуқли бўлган саволлар ҳам учраб туради. Биз қуйида имкониятларимиздан келиб чиқиб баъзи саволларга жавоб қайтармоқдамиз.

«Жаннат» орзусида

Бизнинг мамлакатимиздан ҳали ҳам доимий яшаш учун чет элларга кетиб қолаётганлар борми? Ўтган йили СССРдан қанча оила кўчиб кетган?

Б. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Қўқон.

Ўтган йили СССРдан доимий яшаш учун 235,4 минг киши, жумладан, Исроилга 105,5 минг киши, ГФРга 98,2 минг киши, АҚШга 14 минг киши ва Грецияга 10,7 минг киши жўнаб кетган.

Бу йил ҳам чет элга доимий яшаш учун кўчиб кетишни хоҳлаётганлар ўтган йилдагидан кам эмас.

Сеҳрли тошлар

Халқимиз орасида айрим тош ва минералларнинг шифобахш хусусияти мавжудлиги, уларнинг турли офатлардан сақлаш хоссаси борлиги ҳақида гап-сўзлар юради. Шу тўғрими?

Ғ. ШОДМОНОВ,
Оқтош.

Ҳа, баъзи тошларнинг халқ орасида довруғ таратган мўъжизакор хоссаси бор.

Ақиқи бор одам ҳар қандай «ёмон кўздан» муҳофазаланган бўлади.

Олмос кишига куч-қувват ва довюраклик бахш этади, заҳарнинг кучини қирқади, аёлларнинг кўзи ёришида ёрдам беради.

Аметист (сафсар рангли қимматбаҳо тош) одамни фаросатли қилади, унга тетиклик бахш этади, ёмон фикрларни қувади, касалликдан сақлайди.

Зумрад — дарбадарларнинг яқин йўлдоши, ёмон тушларни, касалликларни ҳайдайди.

Ёқут чақмоқдан ва вабодан сақлайди.

Марварид эса одам соғлиғига ижобий таъсир этади, ҳаётда муваффақиятга эришишига ёрдам беради.

Лаъл яхши одамни янада хотамтой, ёмонни янада нобакор қилади, буни олиб юрган эркак жасур ва довюрак бўлади, доим ғалабага эришади ва жасоратга шай бўлади.

Давоси борми?

Ёшим 21 да. Ўтган йили Олтой ўлкасида хизматни ўтаб қайтдим. Армияга хизматга чақирилганимда соппа-соғ эдим. Хизматимнинг бир йили ўтгандан сўнг мазам қоча бошлади. Баъзи-баъзида қорним оғриб қолар эди. Хуллас, ошқозоним оғрийдиган бўлиб қолди. Ҳозир ҳам гоҳ-гоҳ ошқозон оғриғидан қийналаман. Врачлар парҳез буюришган. Айтингчи, мен бундай пайтларда қандай овқатланишим керак?

А. ЗУФАРОВ,
Конимех ноҳияси.

Ошқозон касаллиги кўпинча вақтида овқатланмаслик ёки овқатни шошиб, чайнамай ютиш натижасида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ошқозон оғриганда энг аввало овқат истеъмол қилишни тартибга солиш керак. Тўйиб, бунинг устига кучли овқат ейиш ҳам ошқозонни оғритади. Бундай пайтда албатта овқат сифатини ўзгартириш, яъни гўштли, хамирли, ёғли, қовурма овқатлар ва нон ейишдан ўзини тийиб, кўпроқ сут ва сутли овқатлар истеъмол қилиш керак. Ёғсиз гўшт, қайнатилган товуқ, шолғом, сабзи, турли кўкатлар солинган қайнатма шўрва ичиш ҳам ошқозон оғриғини тўхтатади. Бундай пайтларда ҳўл мевалар емаган маъқул. Овқатдан сўнг минерал сув ёки чой ичиш лозим. Ошқозони оғриган кишиларга чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш мутлақо мумкин эмас. Хуллас, ошқозони оғриган киши дарҳол бунинг олдини олиш учун врачга қанча тез мурожаат қилса шунча тез даволаниб кетиши мумкин.

ТВ

7 АПРЕЛЬ — ШАНБА
ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.
10.00 «Ҳужжатли экран». 10.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳор мадҳияси». 11.20 «Қалбга йўл». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 13.55 «Покланиш йўлидан». 14.25 «Севгимни куйлайман». Мусиқий программа.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». 18.50 «Шеърият дафтаридан». Хосият Бобомуродова. 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Сиҳат-саломатлик». Жаҳон саломатлик кунига бағишланган илмий-оммабоп программа. 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Саховат». Мусиқий программа. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». 00.10 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Сиз яратган боғ». 8.30 Мультфильмлар: «Хўтик қандай қилиб бахтини излади», «Эчкича». 8.50 «Мен қутбгача етиб бораман». Хизмат кўрсатган спорт мастери, рассом, профессионал сайёҳатчи В. Конюхов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток). 9.20 «Ғолиблар». 10.20 Халқаро конкурслар лауреати А. Аблабердиева куйлайди. 10.55 «Ғаройиб авлод». Ҳужжатли фильм. 11.25 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм (ГДР). 3-серия. 13.05 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 13.35 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 14.25 «Спектр». 14.55 «Ҳайвонот оламида». 15.55 Сиёсий мулоқотлар. «Вазият». 16.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Афғонистон тароналари». 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 Режиссёр Г. Козинцев фильмлари. «Қирол Лир». («Ленфильм»). 1 ва 2-сериялар. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Телескоп». 21.30 Кулги кечаси. Сатирик ёзувчи С. Альтов бенефеси. 22.55 И. Корнелюк ва И. Броневицкая ижросида мусиқий комедия.

● МТ II

17.25 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 18.15 **СССР Олий Совети сессиясида.** 19.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Алифбо». 19.15 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. К. Васильев. 19.45 «Экспромт». Бадиий шиша буюмлари чиройи ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 «Вайгач». Телевизион ҳужжатли фильм. «Она-замин ташвишида» туркумидан.

ЁШ МУХБИРЛАР ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ёш ленинчи» рўзномаси қошидаги «Ёш мухбирлар» дорилфунунининг навбатдаги машғулоти бугун, соат 17.30 да редакция биносида ўтказилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 01222. Д. — 23210.